



ҲАМИД ЗИЁЕВ, БАХТИЁР МАҲКАМОВ

ЁҚУБЖОНҲОЖИ ВА МАҲКАМБОЙЛАРНИНГ ҲАОЛИЯТИ ВА ТАҚДИРИ




“ҲАН”

ТАДБИРКОРЛАР ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ҳ. ЗИЁЕВ, Б. МАҲКАМОВ

**ЁҚУБЖОНҲОЖИ ВА
МАҲКАМБОЙЛАРНИНГ ҲАЁТИ,
ФАОЛИЯТИ ВА ТАҚДИРИ**



ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти — 2008


HT9

Тақризчи: Н. Абдурахимова — тарих фанлари доктори

Рисолада ўз даврининг таниқли тadbиркорлари ота-бола Ёқубжонхожи ва Маҳкамбойларнинг фаолияти ва ҳаётига доир маълумотлар келтирилган. Уларнинг савдо алоқаларида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида фикр юритилиб, халқпарварлиги ва хайрли ишлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, совет даврида тadbиркорларга нисбатан юритилган адолатсизлик ва талончилик сиёсати шарҳланган. Тadbиркорларнинг бошларига тушган ўта фожиали азоб-уқубатларни кўрсатишга эътибор берилган.

ISBN 978-9943-09-447-5

© Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”
нашриёти, 2008 йил.



*Ёқубжонҳожи ўғли Махкамбой
(1884-1959)*

Мозийга бир назар...

Сўзламадим, азизлар, эртақ ёхуд ҳикоя,
Мақсадим — этмоқ бўлди ҳақиқатни ҳимоя.

Аждодларим юрган йўл — қадамлари пурхикмат,
Биз авлодга қолдирди ҳалоллик ила хикмат.

Қайбир бобом хислатименга ўтган, билмадим,
Танбалликдан ҳазарда, тўлқин каби тинмадим.

Ҳалол меҳнат келтирур риск-насиба ҳамиша,
Боболарим ўгити эди саховатпеша.

Минг афсуски, харомни касб этган ул нокаслар,
Пок инсонлар бошин еб туйган ул нопок пастлар, ...

Умри узун дейдилар, кимки қилса эзгулик,
Иши бирлан ҳаёти, келажаги мангулик.

Алқисса, шундай дўстлар, ўтмиш ҳам берур сабоқ,
Мозийни билганларга эртанинг йўли порлоқ!

Бахтиёр Махкамов

ОТА-БОЛА ЁҚУБЖОНҲОЖИ ВА МАҲКАМБОЙЛАРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган сулоланинг вакиллари Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғли ва унинг ягона фарзанди Ёқубжонҳожидан бўлишган. Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғли табиатан миллатпарвар ва ватанпарвар инсон бўлиб, 1865 йилда Черняев бошчилигидаги қўшинга қарши жангларда шаҳид бўлган. Уни Ёқубжоннинг буваси Ниёзмуҳаммад ўз тарбиясига олган. Тошмуҳаммад ака Тошкент жангига бошчилик қилган Солиҳ додхоҳ ва Алимқул амири лашкар билан биргаликда ватан мустақиллиги учун жонини фидо этган эди. Тошкент жангига тегишли маълумотлар кейинги саҳифаларда берилган.

Авалло машҳур тадбиркорлар вакиллари яшаган кўча ва маҳаллаларни таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бири ҳисобланган Лабзак, ҳозирги минерал сув билан даволайдиган санаториядан бошланиб то Абдулла Қодирий номидаги боғнинг пастки ёни орқали катта кўчага бориб тақалган. Бир неча километрлик Лабзак кўчасидаги маҳаллаларда зиёлилар, тадбиркорлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, дин пешволари ва бошқа касб эгалари истиқомат қилганлар. Шунингдек, масжид-мадрса, гуруч тегирмонлар, (обижувоз), ун тегирмонлари, эски ва янги мазорлар бор эди.

Лабзак кўчасининг ўрта қисмида Беш оғайни маҳалласи бўлиб, бу ерга даставвал беш ака-укалар ўрнашган бўлсалар керакки, маҳалла уларнинг номи билан аталган. Бу ерда мен Ҳамид Зиёев ва ота-боболаримиз ҳамда биз ёдга олмоқчи бўлган оила вакиллари яшаганлар.

Маҳалла собиқ Норматбойвачча уйи ва боғи (сўнг пионерлар саройи) ўрнига қурилган ҳозирги лицей биносидан то Чукулдоқ (Свеженский проезде) кўчасигача бўлган ерни ўз ичига олган эди. Маҳалланинг ўртасида 20 та хонадонни ўз ичига олган

боши берк кўча (Пскент проезди)да Ёқубжонхожи аканинг эски ва янгидан иборат иккита ҳовлиси бор эди. Кейингиси ҳашаматли катта ва баланд зал ҳамда айвондан иборат бўлиб, томи тунука билан ёпилган эди. Лабзакдан иккита катта ариқ ўтган. Бири Минор мозорини ёқалаб, сўнг Ўрда томонга оқадиган Анҳор ариғи эди. Иккинчиси маҳалланинг четидан ҳозирги лицейнинг бериги томонидан Кох-ота маҳалласидан оқадиган Лабзак ариғи эди. Бу ариқ туфайли бир нечта обижувоз ва рус тегирмонлари ишлаб турган.

Беш оғайни маҳалласи шаҳарнинг энг обод ва кўркам жойларидан бири эди. Уни обод қилишда Ёқубжонхожи аканинг хизмати катта бўлган. Дастлаб у ўзи яшаётган кўчага кириш жойида муҳташам масжид ва уч-тўрт хонадан иборат болохона қурдирган. Бу ерда болалар ўқиган ва таълим олган.

Маълумки, ўтмишда шаҳардаги кўчалар ёмғир ва қор ёққанида лойга қоришиб кетар эди. Лабзак кўчаси ҳам бундан истисно эмас эди. Ёқубжонхожи дафн маросимларида кийиш учун 30 жуп этик олиб қўйган эканлар. Халққа қулайлик бўлиши учун Ёқубжонхожи ака бир неча километрлик кўчага тош ётқизтирган. Тошларни Нажим карвон деган кимса 40 та араваси билан Чирчиқдан ташиган экан. Бундан ташқари кўримсиз ҳолда чуқурликда оқётган Лабзак ариғига тўғон қуриб, уни икки четига йўғон ва узун ходаларни устма-уст тахлаб, сувни икки метр баландликка кўтарган. Сув тўғон устидан тахминан 15-20 метр узунликда қурилган кенг тарнов (опортарнов) бўйлаб шовқин билан пастга оққан. Бу ердан нарироқда Ёқубжонхожи аканинг тегирмони ва обижувозлари ишлаб, ун ва гуруч маҳсулотлари тайёрланиб бозорда сотилган.

Лабзак ариғининг четига тол, терак, сада, қайрағоч ва бошқа дарахтлар экилиб, улар одамларга ҳузур бахш этган. Маҳалла қоровули ҳар куни кўчани супуриб ва сув сепиб ораста қилганлиги учун каттаю-кичик соя-салқинда ором олган. Менинг отам Мулла Зиёнинг сўзича, Ёқубжонхожи ака маҳалланинг озодалиги ва кўркамлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериб харажатларни ўз ҳисобидан қоплаган.

Ёқубжонхожи ака асосан газламаларнинг кўтара савдоси билан шуғулланиб, «Эски Жува» ва бошқа жойларда дўконлари бўлган.

«Эски Жува» узоқ тарихга эга бўлиб, Ёкубжонхожи ака ва бошқа кўплаб савдогарларнинг иш жойи ҳисобланган. Шу боис «Эски Жува» ҳақида икки оғиз сўз юритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қадимги замонларда ҳозирги «Эски Жува» нинг марказий қисмидан аҳолини сув билан таъминлаб турган ариқ оқиб турган. Кейинчалик бу ариқ кўмилиб кетгандан сўнг унинг ўрнини «Эски Жува», яъни «Эски ариқнинг ўзани» номи билан аташ одат тусига кирган. Форс тилида Жува — ўзани англатади.

«Эски Жува» таркибига биринчи навбатда бозор кириб, унинг шуҳратини хорижий мамлакатларга ҳам таратган. У ерда хунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари сотилган.

XIX асрда шаҳарда 16 та карвонсарой ва 4500 дан ортиқ дўконлар бўлиб, уларнинг талай қисми «Эски Жува» бозорида жойлашган. Молларнинг хилларига монанд равишда бозорларнинг турлари шаклланган. Масалан, «Чит бозори», «Ғалла бозори», «Гуруч бозори», «Бордон бозори», «Беда бозори», «Чопон бозори», «Намат бозори», «Сомон бозори» ва бошқалар.

Бозорда турли устахоналар, нонвойхоналар, ошхоналар, чойхоналар бўлган.

«Эски Жува» нинг атрофидаги майдонларда туя, от ва эшаклар учун махсус жойлар ажратилган эди. Айниқса, туяларнинг сони кўп бўлган. Масалан, Бухородан ҳар йили пахта ортилган 3000 ва бошқа моллар билан 10000 бош туя келган. Умумлаштириганда, «Эски Жува» бозорига Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Хўжанддан ҳар йили 100000 бош туяларда моллар келтирилиб турилган. Булардан ташқари, Қозоғистондан ҳам савдо карвонлари қатнаган. У ердан бир йил мобайнида 200000 бош қўйлар олиб келиниб, шулардан 100000 қўй Бухоро ва Қўқон шаҳарларига жўнатилган. Қўйлар чўпонлар томонидан ҳайдаб келинган. Уларни тошкентлик савдогарлар сотиб олишган. Бундай кишиларни «қўйчи бой» лар деб юритилган. Улар асосан қўйлар билан савдо қилиб Қозоғистоннинг ўзида ҳам ўзларига тегишли қўйларни боқтирганлар.

«Эски Жува» бозорига Ҳиндистон, Қашқар, Фулжа, Россия ва бошқа жойлардан савдо карвонлари келиб турган. Тошкентликлар Қозоғистон ва Ғарбий Сибир билан савдо

алоқаларида салмоқли ўринни эгаллаган. Шундай қилиб, «Эски Жува» бозори йирик савдо маркази ҳисобланган.

«Эски Жува» да Бекларбеги мадрасаси қурилган. Бу ерда чет жойлардан ҳам одамлар келиб таълим олганлар. Менинг отам мулла Зиё Аҳмедов ўша мадрасада ўқиганлиги учун бузилаётганини кўриб ачиниб йиғлаган эканлар. Бозорнинг ўртасида жойлашган масжид ҳам бузилган.

«Эски Жува» ёнбағрида қурилган янги поликниканинг ёнидаги пишиқ фишдан ишланган икки қаватли бино XX аср бошларида тошкентлик татар савдогари томонидан қурилган. Ўтмиш замонларда ҳозирги автобуслар бекати ўрнидан Лабзак ариғи ўтган. Шаҳарда савдо ва судхўрлик билан шуғулланувчи ҳиндлар ўша ариқнинг ёнидаги кенг жойда карвонсарой бунёд этганлар. Улар ўзларининг миллий урф-одатларига риоя қилиб саройга муқаддас сигирни боғлаб қўйишган. Улар саройга киришдан олдин «покланиш» мақсадида икки томонига шам ёқилган тор кўприқдан ўтишган.

Ёқубжонҳожининг савдо фаолияти шу даражада катта бўлганки, ҳатто газламаларни вагонларда Россиядан олиб турган. Оддий ва кафанлик газламалар муҳтожларга хайрия сифатида тарқатилган. Унинг газламалари Фарғона водийси ва бошқа жойларга олиб кетилган. Ёқубжонҳожини ака чорвачилик билан ҳам шуғулланиб, Сараёғочда минглаб қўйлари, 500 бош қорамол ва отларга мўлжалланган катта қўралари бор эди. Булардан олинган даромадларнинг саноғи жуда кўп эди. Ўғиллари Маҳкамбойни 13 ёшлик даврида уйлантирганлар.

Ёқубжонҳожини ака Тошкентдан Сараёғочга ва Оҳангаронгача чўзилган йўлда карвонсаройлар қурганлар. Унинг ичида ётоқхона, ошхона ва отларни боғлаш учун жойлар бўлган. Ошхонада етарлик миқдорда озиқ-овқат ҳам бўлган. Бу карвонсаройларнинг озиқ-овқатидан хабар олиб турувчи махсус одамлар тайинланган.

Ёқубжонҳожини ака деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб ҳозирги Фанлар академияси Ботаника боғи ўрнида ажойиб ва гаройиб боғлари бўлиб, унда узум, олма, ўрик, нок, ёнғоқ, тут ва поллизчилик экинлари етиштирилган. Ўша Ботаника боғининг рўпарасидаги электростанция ўрнида теракзорлари бўлган. У ерда станция қурилгандан сўнг ер ҳақи деб 2000 червон беришганда олмаганлар. Ер менинг мулким эмас, ер Аллоҳнинг мулки, бу пулни электр станция қурилишига

ишлатинглар деб, ҳозирда теракларнинг қолдиқларини кўриш мумкин. Теракзорлардан олинган ёғочлар иморат ва кўприклар қуришга ишлатилган.

Ёқубжонхожи ака Туркистон заминининг энг бой ва сахий, камбағалпарвар ва тараққийпарвар кишиси бўлиб, 10 та масжид, 4 та кўприк ва карвонсаройлар қурган. Ўзининг маҳалласи Беш оғайнида эса масжид ва болохонада мадраса, иккита кўприк қурган. 1927 йил ёзда Ёқубжонхожи ва Маҳкамбой ака маслаҳатлашиб, набираларни хатна тўйида камбағалларга алоҳида аҳамият бериш мақсадида тўрт хил катта-кичик патир ёптириб ва бир кунлик иш ҳақини тугун учига туғиб йўлак олдидаги хонага қўйишган. Улар ошга келган мардикор, хомбол ва бошқа ночор кишиларни кўрпача ва гиламлар билан безатилган хоналарда ёзилган дастурхонга таклиф қилишиб, ош тортишган. Аввал юпунларни сийлаш мақсадида Ёқубжонхожи ошга келган ҳурматлик меҳмонларни ичкарига киргизмай олиб турдилар. Улар кетаётганларида ҳар бирига тугунча берилган. Бундан эшик олдида турган нуфузли меҳмонлар хафа бўлишиб, «бизларни оёқяланглар олдида камситтингиз» лар деб Ёқубжонхожи бувага эътироз билдиришган. Шунда Ёқубжонхожи бува: Сизлар Қуръони каримнинг «Инсон» сураси 8-9 оятларини нутибсизлар, мен Оллоҳнинг буйруғини бажардим, холос, эсланг:

8-оят. Ва таомни сујуб-ҳоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни едирурлар.

9-оят. (Улар айтурлар): “бизлар Сизларни фақат Аллоҳ «юзи» учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор мукофот ва миннатдорчилик кутмасмиз.”

Мулзам бўлиб қолган меҳмонлар узр сўраб ичкарига киришади.

Отамиз Мулла Зиёнинг айтишларича, Ёқубжонхожи ака катта қозонда овқат пиширтириб, камбағаллар, бевалар, етим ва мардикорларни боқиб турган. Сахийлиги туфайли ифторлик ва ҳайитларда унга салом бериб миннатдорчилик билдирувчиларнинг кети кўринмаган. У етим ва камбағал болаларнинг суннат тўйини ўтказган, бўйдоқ йигитларни уйлантирган. Отамнинг гувоҳлигига кўра, ким қарз сўраса дарров берган. Аммо қарзни тўласанг яна қарздорликка учрайсан деб, уни олмаган. Обиживозларнинг ёнидаги хонада гуруч, мош, ун ва ёғ солинган бир нечта катта хумлар сақланган. Ночор одамлар

сўровсиз бемалол кириб, улардан ўзларига керагини олган. Бу ҳақда менинг отам ҳам гапирган эдилар.

Ёқубжонҳожии ака ҳажга бориб қайтганида дўкондаги гумашталари оддий газламаларга талаб ошганлиги сабаби нарх кўтарилиб, катта даромад қилганликларини гапирганларида: «Сизлар йўқлигимда мен белгилаган нархдан ошириб сотибсизлар», деб танбеҳ бериб, ўша ортиқча даромадни муҳтожларга улашган.

Ёқубжонҳожии ҳаждан қайтаётганларида Истамбулда Қурьони Каримни сотиб олган. Бу бизга у кишидан қолган бебаҳо мерос бўлиб қолди. Ёқубжонҳожии ака шунчалик катта бойликка, обрўга эга бўлса ҳам жуда камтарин инсон бўлиб, дилозорлик ва манманлик нималигини билмаган. Унинг қўл остидаги гумашталари ҳам бойиб, жуда ясатилган дилижон (файтун ва извош)да юришган. Аммо унинг ўзи содда кийим ва отда юрар экан. Сабабини сўрашганда: агар дилижонда юрсам худди менсимагандек, одамларнинг рўпарасидан кўришмай ва саломлашмай ўтиб кетгандек бўламан. Буни ўзимга асло эп кўрмайман. Отда эса одамлар билан бемалол салом-алик қилиш ва суҳбатлашиш имконига эга бўлиб роҳатланаман.

Ёқубжонҳожии аканинг Маҳкамбой ва Тожихон исмли икки нафар фарзанди бўлган. Унинг қизига уйланган Нуриддинхўжа совет давлатининг адолатсизлигидан кутулиш учун Афғонистон, сўнг Саудия Арабистонига бориб ўрнашади. Бу ерда сотиб олган ҳовлисида бир хум олтин танга топилган. У бойликни уйнинг эгасиникига олиб борганида уй эгаси олтинлар меники эмас, деган. Кейин ҳовлининг олдинги эгасига олтинларни олиб борганида у вафот этганлиги маълум бўлган. Шундан кейин у олтинларни подшоҳга олиб бориб, воқеани тушунтирган. Подшоҳ ўзингизнинг эҳтиёжингиз учун ишлатинг, деганда Нуриддинхўжа ака: мен бу ерга бойлик излаб келмаганман, Тошкентдаги бойлигим етарли, мақсадим Маккани ободончилигига ҳисса қўшишдир, деган. Подшоҳ унинг ҳалоллиги ва поклигига тан бериб бойликни хазинага топширган. Бу кундан бошлаб уни Нуриддин ростгўй деб аташ ҳақида кўрсатма берган экан. Бу воқеани муфтий Зиёвуддин қори ака ҳазратлари Маккада эшитиб ва завқланиб Маҳкамбой акага келиб айтган.

Ёқубжонҳожии аканинг сеvimли ва ишонган ўғли Маҳкамбой ака (1884-1959 йй.) эди. Ота-бола аҳиллик ва билимдонлик билан

иш юритиб тадбиркорликни ривожлантирганлар. Отага содиқ Маҳкамбой тинмай меҳнат қилиб бойликка бойлик қўшди. Отанинг изми ва маслаҳатидан чиқмай унинг олий фазилатларини ўзида мужассамлаштириб, ҳалоллик, камтарлик, сахийлик, пирҳикматлик ва адолатлилик қонқонига сингиб кетган. Совет давлати ўрнатилгандан кейин тадбиркорларнинг бошига мисли кўрилмаган азоб-уқубат ва талофатлар ёғдирилди.

Охириги вақтларда Ёқубжонхожи буванинг кўнгли ғаш, ҳеч ёришмас эди, дуода давлатим менга содиқ эдинг, мендан кейин фарзандларим ва набираларимга шундай ҳалол ризқ бўлгин дер эдилар.

Ёқубжонхожи ака қайғу-аламда 1929 йилда дунёдан кўз юмди. Ҳукумат вакиллари Маҳкамбой акадан бойликларни талаб қилиб қаттиқ қийнаган. Акс ҳолда, Сибирга сургун қилинишини маълум қилган. Унинг яқин кишилари ҳам бойликни ўз ихтиёринг билан топширмасанг, барибир тинчимайсан, — дейишган. Шундан кейин Маҳкамбой ака милиция ходимлари билан бирга Беш оғайни маҳалласидаги хонадонига келиб, яширилган бойликларни беришга мажбур бўлган. Олтин солинган шиша банкларни очаётганида синиб, милиция ходимининг кўлини қонатган. Олтин ва ундан ясалган қимматбаҳо тақинчоқлар ва бошқа бойликлар аравага ортилиб олиб кетилган. Бу воқеани отасига эргашиб борган ёш Эминжон ака худди кеча содир бўлгандек ҳамон эслайди. Шунини айтадиларда, «болаликдаги хотира худди тошга ёзилгандек» кўнгилдан ҳеч қачон ўчмайди.

Маҳкамбой аканинг ниҳоятда пок, адолатли ва меҳнаткаш ўғли Эминжон ака билан суҳбатлашиб хузур қиласиз. Бу киши 6 ёшидан бошлаб отаси, онаси ва жигарлари билан совет давлатининг назорати, таъқиби, талон-тарожи ва қувғинини бошидан кечирган экан. Хусусан, мусофирлик, очарчилик, камситишлар ва бошқа мисли кўрилмаган азоб-уқубатларнинг исканжасида яшаган.

Ёқубжонхожи аканинг вафотидан кейин Маҳкамбой ака хотинлари Хуври ва фарзандлари Лутфи, Ғофур, Санобар ва Носиржонларни яшириш мақсадида турли жойларга олиб

борган. Бориб ўрнашган хонадон соҳиби унинг бой боласи бўлганлигини билиб қолиб, уйдан ҳайдаган. Шундан кейин улар ташландиқ, олди очиқ айвонга ўрнашиб, уни бўз мато билан тўсишиб, юпун ва оч ҳолда кун кўрганлар. Бу ерда унинг икки фарзанди очлик ва совуқдан дардга чалиниб ўлганлар. Маҳкамбой ака Тошкентда яшаш хавфлилигини англаб, 1931 йилда хомиладор хотини Раҳбархон, ўғиллари Комилжон, Эминжон, Ҳакимжон ва қизлари Зумрадхон билан биргаликда Андижонга яширинча кўчиб кетганлар. Андижонда поезддан тушишиб, вокзалда қаёққа боришликни билмай ўтиришганда, қоровул келиб ҳол-аҳвол сўраган. Бу киши уларнинг оғир аҳволига ачиниб ва раҳми келиб, ўз уйига олиб кетади. Қоровулнинг хотини бор йўғи — бисотидаги битта нонини улар билан баҳам кўриб, иссиқ чой ичирган. Қоровулнинг одамийлиги ва меҳрибонлиги, — дейди Эминжон ака, — дардимизга малҳамдек бўлиб туюлди.

У бошидан кечирган кейинги фожиалар ҳақида шундай деди: Бизлар ўша қоровулнинг ёрдами билан вайронага айланган хонадонга жойлашдик. Аммо большевикларнинг малайларидан бири: — Сизлар бойларнинг авлоди экансиз, дарҳол жўнаб қолинглар, акс ҳолда қамаласиз, деб бақирган. Бизлар титраб ва кўрқиб бошқа ташландиқ уйга ўрнашдик. Бу вақтларда озодлик «босмачилик» — урушида кўп одамлар қирилиб, эгасиз ва вайроналарга айланган хонадонлар кўп эди. Бизлар кейинги жойлашган уйдан ҳам ҳайдалиб мазорнинг ёнидаги тобутхонага ўрнашдик. Бу жой қоронғу, заҳ ва ҳавоси паст бўлиб, эшиги йўқ эди. Туйнуғи ва эшигига газета, латта ёпиштириб, ерга чириган наmatни ёзиб яшадик. Онам Раҳбархон тиф касаллигига учраб, оч ҳолда ўлим тўшагида ётарди. Очликдан ҳаммамиз кунжарани чайнаб, зўрга ютардик. Уни онам чайнаб ва юмшатиб, Андижонга борганимиздан уч ойдан сўнг туғилган икки ёшли укам Меҳмонжоннинг оғзига соларди. Бироқ у буни ҳазм қилолмай касалга чалиниб вафот эди. Бу фожа ҳаммамизнинг юрак-бағримизни эзиб ташлаган эди. Тобутхонада ҳаммамизни битлар қуршаб олганлиги учун ҳам азоб чекдик. У шунчалик кўп эдики, биз болалар уларни олиб ёниб турган лампага ташлаб ва жизиллаб ёнаётганлигини

тамоша қилардик. Бир ожиз жониворни оловда ёндирганимизни кўрган отамиз қаттиқ уришгандилар. Мен,- деб сўзини давом эттирди, Эминжон ака,- қандай бўлмасин онамни ўлимдан сақлаш учун бозорда стакани бир тийиндан сув сотиш билан шуғулландим. Шунингдек, бошқа улгуржи ишлар билан топган пулимга ҳар куни битта нон сотиб олиб, онамни боқдим.

Бизлар бой оилада туғилганлигимиз ва соғлигимиз бақувват бўлганлиги учун бўлса керак, очлик ва оғир шароитни енгиб чиқдик. Онам ҳам бахтимизга тузалди. Бувимнинг опаси Иқболхон холам Тошкентдан яширинча келганида, биз жойлашган мазорни кўриб, ниҳоятда кайфияти бузилиб, йиғидан тўхтаб олмади. Наҳотки, — деди, — ҳашаматли уйда, мўл-кўлчиликда яшаган менинг азиз қариндошларим мана шундай ҳароб ва кўрқинчли жойда яшасалар. Бунга сабаб бўлган большевикларни роса қарғаганлар. Йиғи-сиғи аралаш биз яшаётган ертўлага кирганида онам ва бизлар билан кучоқлашиб кўришганларидан кейин тугунини ёзиб, нон, пиширилган гўшт ва ширинликлар билан меҳмон қилди. Бизлар жуда оч бўлганлигимиз учун шу даражада хурсанд бўлдик-ки, бамисоли жаннатга тушгандек ўзимизни ҳис этдик. Холам билагузуги ва пулни бизларга бериб йиғлашдан ўзини тўхтатолмай Тошкентга қайтдилар. Бу вақтда отамнинг оёқлари шишиб зўрга юрарди, лекин холамнинг узуги ва пулидан турмушимиз бир оз бўлса ҳам яхшиланиб отамнинг оёғи анча тузалди. Холам тўрт ойдан кейин яна келиб пул бериб, узоқ суҳбатлашиб ва йиғи-сиғидан кейин Тошкентга жўнаб кетди. Бизлар унинг яхшилигини ҳеч қачон унутмай дуо қилиб юрмоқдамиз.

Отам Маҳкамбой гоҳо бойликларини хўрсиниб эслаб онамга: кўп сафдошларим, гумашталарим қамалди, сургун қилинди ва ҳатто отилди, лекин бизларнинг жонимиз омон қолди. Бунга шуқр қилайлик. Агар бойликларни пулга айлантирганимда бир таҳмон червон бўларди. Бунга ҳавотирлик ва ваҳимада эшитган онам: — адаси асло гапирманг, биров эшитса борми, бошимизга балоларни ёғдиради, дегани эсимда.

Бу вақтда отам бир оз тузалиб, Андижоннинг Сойгузар маҳалласидаги пахта заводда ишчи сифатида, сўнг ошхона омборида ишлаши орқасида оз бўлса-да, турмушимиз яхшилангандек туюлди.

1934 йилда Тошкентга келиб, онам ҳозирги алоқа институтининг орқа томонида боғда яшовчи Иқболхон исмли опасиникига, мен ва укам Ҳакимжон «Эски Жува» даги онамнинг тоғасиникига ўрнашдик. Бу вақтда мен 10 ёшда эдим, укам эса 8 ёшга кирган эди. Тоғам хотини угра оши пишираётганида қизганиб, бизларни кўчага ҳайдаб, эшикни беркитиб олди. Мен Андижонда «қозонда анча қовурилганлигим» учун ўзимни йўқотмадим. Бироқ, жуда ёш укам йиғлашни тўхтатмасди. Иккаламиз жуда оч ҳолда зўрға юрардик. Иқболхон холамникига бир маротаба борган эдим. Уни топаманми ёки йўқми, деб иккиландим. Бироқ борадиган бошқа жой йўқ. Шу боис укамни етаклаб ваъда ва ширин сўзлар билан қорнини тўлдириб йўлга отландик. Тинкамиз қуриганлигидан кўчада ўтириб ва бироз дам олиб охирида холамникига омон-эсон етиб келдик. Бу ерда онам ва холамнинг севинчини тасвирлашга сўз ожизлик қилади. Улар «Эски Жува» дан қандай қилиб, пиёда келганлигимиздан ҳайратландилар. Бечора онам мени қаттиқ кучоқлаб ва йиғлаб раҳматларни ёғдиргани ҳамон эсимда. Бу ерда ночорлик ва йўқчилик ҳукм суларди. Бироқ боғдаги узум, олма ва бошқа ҳўл ва қуруқ мевалар ўлимдан сақлади, шекилли. Оила аъзоларининг кийим-бошлари жуда эскирган, ямоқ босганди. 1934 йил қишда укам Ҳаким оғир касалга чалинганлиги учун Тош МИга олиб борганимда врач уни пальтосини ечишни сўради (эгнида пальтодан бошқа ҳеч нарса йўқ эди). Мен ечинтирганимда Ҳаким қип-яланғоч турганлиги кўрган врач «Божи мой» деб юборди. У укамни очликдан касалга чалинганлигини айтиб, яхши овқатлантириш ва иссиқ кийинтиришни буюрди. Аммо, укам тузалмай вафот этди. Иқбол ҳола ўз ҳовлиларидан жой ажратиб, бизга уй қуришга рухсат бердилар ва бир дахлиз уй қурдик.

1934 йилда отам Маҳкамбой аканинг қамалиши орқасида дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринди. Уни калтаклаб, беркитилган бойликни давлатга топширишни талаб қилишди. Отамнинг розилик билдиришдан бошқа иложи йўқ эди.

Мен Ҳамид Зиёев ва бошқа болалар кўчада ўйнаб юрганимизда Маҳкамбой акани бир гуруҳ одамлар қуршовида кўриб ва ҳайратланиб эргашганимизда бизларни ҳайдашди. Шундан кейин Маҳкамбой аканинг эски ҳовлисидаги

болохонасининг томига чиқдик. Бу ва унинг ёнидаги янги уй ҳукумат томонидан мусодара қилиниб, биринчисини Шариф ака, иккинчисини Сайиджамол ака деган кишилар эгаллаган.

Томдан Маҳкамбой аканинг янги ҳовлисига киргани кўриниб турарди. У эшикдан тахминан 5 метр юргандан сўнг ерни қўли билан кўрсатиб, қазишни айтди. Аммо ҳеч нарса топилмади, бойлик ўғирланган бўлиб чиқди. Шундан кейин улар Шариф ака қўл остидаги эски ҳовлига киришди. Бу ерда Маҳкамбой ака ошхонанинг рўпарасидаги очик жойда турган самоварни олиб қазишни сўради. Ер бор-йўғи ярим метр қазилганидан сўнг бўйи тахминан чоракам бир метр келадиган оқ тунокадан ясалган катта челакни топишди. Уни айвонга келтириб ағдаришганда олтин ва кумуш тангалар жаранглаб тўкилди. Буларни бирма-бир санашиб ва қоғозга ёзишиб, Маҳкамбой акага қўл қўйдириб, ўринларидан туришди. Бўшатилган катта челакни эса ҳовлига отиб юборишди. Бу вақтда кўчада тўпланган одамлар Маҳкамбой акага салом беришиб ва қаттиқ хафаликларини изҳор этдилар. Уларнинг орасида йиғлаётганлар ҳам бор эди. Чунки у жуда камбағалпарвар бўлиб, улардан ёрдамини аямаган экан. Маҳкамбой ака эса ўнг қўлини кўксига қўйиб ва жилмайиб қадамини аста-секин ташларди. У вақтларда биз ҳали ёш ва содда бўлиб, уни катта бойлик ва уй-жойларидан айрилишига қарамай эркин ва дадил юришининг сабабини тушунмаганмиз, албатта. Кўп йиллар ўтгандан кейин шундай хулосага келдимки, Маҳкамбой ака халойиқ томонидан ўзига кўрсатилган меҳр-муҳаббат ва ҳурматдан руҳланган ва хурсанд бўлган, албатта. У вақтларда ҳали енгил машиналар йўқ эди. Шунинг учун Маҳкамбой ака ва назоратчилар маҳалла бўйлаб пиёда юришганлиги учун одамлар уларни кузатиб бордилар.

Энди гапни ҳовлисидан бойлик топилган Шариф акадан эшитайлик. У ўзига келолмай ким билан учрашса ўшанга гапириб юраверди: Аллоҳ менга олтин ва кумуш тангаларни берган экан-ку, лекин мен аҳмоқ уни устига самовар қўйиб ва қуруқ чойни ичиб хотиржам юрган эканман. Мен уларни қидириб топиб жиққа мойга ботишим керак эди, лекин насиб этмади. У бундай ачиниш ва алам билан умрини охиригача яшади. Кунларни бирида менга: Домла! Сиз ҳам олтин ва кумуш

тангаларни кўргансиз. Аслида уларни мен олишим керак эди. Бироқ «камбағални туянинг устида ҳам ит қопади» дейилганидек, оёғимнинг тагидаги бойликни кўрмай юраверибман.

Шунингдек, бир нечта дўкон ва омборхоналарда сақланаётган газлама ва бошқа моллар ҳам мусодара қилинган. Бу ҳақда менинг отам ҳам айтган эди. Шундай қилиб, Ёқубжонхожи ва Маҳкамбой акалар совет давлатининг қароқчилик ва ва талончилик сиёсатининг қурбонларидан бири бўлган эди. Бундай адолатсизлик ва ваҳшийликдан қаттиқ нафратланган отам Мулла Зиё шундай деган эди: маҳалламиздаги Ёқубжонхожи ва Маҳкамбой акага ўхшаган халқпарвар ва олижаноб бойлар гарчанд мол-мулки таланиб, суягига шилинган бўлсалар-да, лекин тарих саҳифаларидан асрлар оша ўчмайди.

Маҳкамбой ака бутун бойликларини топширгандан кейин 53 кун қамоқхонада қийноқда ушлаб турилган, бойликнинг қолганини ҳам беришликни талаб қилинган. Ниҳоят йўқлигига, тўлиқ топширилганига ишонч ҳосил қилингандан кейин бўшатишган. У даставвал гишт заводда ишчи сифатида ишлаб, бир амаллаб қора қозонни қайнатиб турган. Кейин эски-туски (утил) дўконида ишлади. У қулоқ эшитмаган ва кўз кўрмаган азоб-уқубатлар гирдобиде беш ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Шу орада Эминжон ака Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, жароҳатланиб қайтди. У ўзининг юксак одоб-ахлоқи ва сахийлиги туфайли маҳаллада обрў-эътибор қозонди. Аёллар у кишини дуо қилишиб, фарзандларимиз Маҳкамбой акага ўхшасин дейишарди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни жорий этиш комиссиясининг 2002 йил 21 июндаги мажлиси баёнига биноан Юнусобод тумани Бодомзор маҳалласи ҳудудидаги Бодомзор 4-тор кўчасига Ёқубжон Ниёзмұхаммад номи берилди.

— Мен ва оила аъзоларимиз, — дейди фарзандларига Эминжон ақа, — танча атрофида ўтиришиб отамиз Ёқубжонхожининг топишмоқлар ва ҳикояларини эшитиб роҳатланардик. Бунга қарангларки, вақт ўтиб мен сизларга отамга ўхшаб топишмоқ ва ҳикоялар айтмоқдаман.

1953 йилда зolim Сталин вафотидан кейин бойларнинг авлодларини назорат ва таъқиб қилиш анча сусайди. Шундан кейин, Эминжон аканинг иш фаолияти жўш уриб ташкилотчилик қобилияти ўз самарасини берди. Чунончи, шаҳарнинг Лангар кўчасидаги Жарариқда кўн заводининг филиалини таъмирлаб, мустақил завод даражасига айлантирди. Ишчиларнинг малакасини ошириш учун тегишли жойларга юборди. Натижада сифатли чармлар ишлаб чиқаришга эришилди. Шаҳарнинг Дадабоев кўчасида галантерия фабрикасини, Шерободда туз конини ишга туширди. Унинг ташкилотчилик қобилиятига юқори баҳо берилиб, Республика моддий-техника таъминоти бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. Шунингдек, «Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвонига сазовор бўлди.

Саксон ёшдан ошган нуруний кекса — Эминжон ака ёшлик вақтларидаги бошидан кечирган фожиаларни эслаб кўз ёшлари билан шундай деди: Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсин-ки, юртбошимиз Ислom Каримов туфайли тадбиркорлар ҳам озодлик ва эркинликка эришиб, елкасига офтоб ва кўкрагига шамол тегди. Тарихда ҳеч қачон тадбиркорларга ҳозиргидек катта имтиёзлар ва ҳурмат-иззат кўрсатилмаган. Ҳатто, либераллар партияси тузилиб, алоҳида газетаси чиқарилмоқда. Ахир, булар катта омад ва бахт-ку. Ҳар бир тадбиркор бунинг қадрига етиши ва ватан равнақи учун курашиши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Фурсатдан фойдаланиб, тинч, осойишта, бахтли ҳаётимиз учун юртбошимизга миннатдорчилигимни изҳор этаман. Уни Аллоҳ ҳамиша ёмон кўзлардан асрасин!

ТОШМУҲАММАД НИЁЗМУҲАММАД ЎҒЛИ ҚАТНАШГАН ТОШКЕНТ ЖАНГИНИНГ ТАФСИЛОТИ

1865 йилнинг 28 апрелида генерал Черняев 9 рота аскар ва 12 тўп билан Тошкентга 25 чақирим масофадаги Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғига жойлашган Ниёзбек қалъасига яқинлашди. Бу истехком тўрт томондан 3 метр баландликдаги қалин девор ва сув тўлдирилган зовур билан ўралган эди. Деворнинг тўрт бурчагида минораси бўлган.

Черняев хоин Абдураҳмонбек бошчилигида элчи юбориб, қалъа бошлиғидан таслим бўлишни талаб этди. Рад жавоби олингандан кейин 29 апрелда эрталаб генерал Качалов бошчилигидаги солдатлар қалъани тўплардан ўққа тутди. Аммо, ватан ҳимоячилари бўш келишмади. Ўша куни соат 3 да Тошкент томонидан 3 минг кишилик ватан ҳимоячилари 2 замбарак билан келиб генерал Черняев аскарлари билан тўқнашди. Душман эса, уларнинг ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди. Шундан кейин Ниёзбек қалъасига ҳужум давом эттирилиб, босиб олинди. 370 сарбоз асир олинди, 6 тўп ва 315 қурол ўлжа сифатида душман қўлига ўтди. Бу ерда Черняев хоин, асли шахрисабзлик Абдураҳмонбек Шодмон ўғлининг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сувига буриб, Тошкент шахрини сувдан маҳрум қилди. Абдураҳмонбек Тошкент шахрининг Чувалачи (Қумлоқ ёнида) маҳалласида яшаб, Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган. Қўқон хони Султон Сайидхон ва лашкарбоши Алимқул Тошкентдалиги вақтида Абдураҳмонбек томонидан ёзилган хатни Чимкентга олиб кетаётган киши ушланган. Хатнинг мазмунидан унинг «Руслар билан тили бирлиги» маълум бўлади.

Абдураҳмонбек нуфузли хонадонга мансуб бўлиб, мансабдан четлатилган бўлса керак. У аламзада ушланган одами билан Тешиққопқа дарвозасидан қочиб Чимкентга борган ва

генерал Черняев хизматига кирган. Бундан хабар топган Алимқул Абдурахмонбек «мол-мулкини, асбоб-анжомларини мусодара қилиб ва соттириб, ғозийларга бериш ҳамда бу ишни бажаришни Муҳаммадбий Бекмуҳаммад ўглининг зиммасига юклаш» ҳақида фармон берди. Ҳатто унинг уй-жойи ёндирилиб, остин-устин қилиб ташланган.

Душманга сотилган хоинлар орасида шаҳарнинг энг катта бойларидан бири Муҳаммад Соатбой деган киши ҳам бор эди. Бу киши Петропавловск, Троицк ва Россиянинг бошқа шаҳарлари билан савдо олиб бориб, Москва ва Нижний-Новгород савдо доиралари билан алоқа ўрнатган эди. У рус тилини яхши билган. Муҳаммад Соатбой шаҳардаги бир гуруҳ хоинларнинг сардори сифатида генерал Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган. Шунингдек, Синжиқлик деган жойда туғилган Мулла Саъид исмли киши ҳам руслар тарафига ўтган. Йирик савдогар Саъидазимбой Муҳаммад ўгли ҳам душман фойдасига иш юритади. Рус манбаларининг кўрсатишича, у халқ орасида ўзининг бойлиги билан ажралиб турган. Хонлик даврида маҳкамада маслаҳатчи бўлиб, кейин иғво ва макр йўли билан ҳокимиятни қўлга олиш ва обрў орттиришга интилганлиги учун маҳкамадан четлатилган. Шунга ўхшаш ватан хоинларининг барчаси шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган ва ҳийла-найрангнинг пири бўлган кишилар эди. Улар «ўз дини ва ватанидан» юз ўгирган пасткаш одамлар ҳисобланганлар.

Тошкент шаҳри осмонида даҳшатли хавф-хатар ҳукм сураётган пайтда бир гуруҳ юқори табақа вакиллари Бухоро хонлигига таянишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг ташаббуси билан Бухорога ёрдам сўраб элчи юборилади. Аҳмад Донишнинг берган маълумотларига кўра, бу муҳим масала Бухорода муҳокама қилинаётганда, айрим кишилар Тошкентга ёрдам беришни таклиф этган бўлсалар-да, лекин, биринчи навбатда, Султон Саъидхоннинг Тошкентдан Бухорога келиши ва бу билан бўйсунганлигини изҳор этиши лозимлиги уқдириб ўтилган. Бунинг устига Бухоро амири Музаффар «Мен бир оддий рус лашкарбошиси билан жанг қилишни ор-номус деб биламан, хоҳласам, тўппа-тўғри Масков ёки Петербургга бориб, Рус

давлати билан урушаман», деб катта кетган. Бу ҳам камдек амир Музаффар Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришга тайёргарлик кўради.

Тошкентликлар Қўқон хонлиги тарафини олиб Ватан ҳимояси учун тайёр турдилар. Шунинг учун ҳам улар Оқмасжид маҳалласида истиқомат қилувчи Эшон Бобоҳўжа Амин деган кишини душман тажовузи ҳақида ахборот бериш учун Қўқонга юборадилар. Бу ерга дарҳол хонликнинг барча жойларидан сарбозлар ва ғозийлар тўпланишиб, Султон Саъидхон ва Алимқул бошчилигида Тошкентга йўл олганлар. Улар Хўжанд орқали Тўйтепага етиб келадилар. Бу ерда бир кеча дам олгандан кейин Чирчиқ дарёсидан ўтганлар. Буни эшитган «Тошкент амалдорлари, сардорлари, уламолар, фозиллар, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак ва хотинлар аралаш шодликларидан уларнинг истиқболларига чиқиб ғозийлар, мужоҳидларнинг юзларидаги чангу ғуборларни ювдилар». Шундан кейин улар Мингўриққа келадилар. Бу ерда шаҳар аҳлининг қатнашувида Султон Саъидхон, Алимқул ва сарбозлар шарафига зиёфат берилди. Шу ерда Алимқул нутқ сўзлаб, Тошкент аҳлининг душманга қарши кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликларига миннатдорчилигини билдириб, бу билан фахрланишини уқдириб ўтади. Шунингдек, у «бир томчи қони қолгунча» курашажагини ҳамда Бухоро амирининг умумдушманга қарши ҳаракатга катта зиён келтираётганлигини гапирган. Агар, деган у, амир Музаффарнинг бунчалик душманлигини аввалроқ билганимда, биринчи навбатда «уни Амир Темурнинг баланд мақомидан ва давлатидан маҳрум қилиб», сўнгра русларга қарши урушган бўлардим. У ислом динини мустаҳкамлаш, мамлакат куч-қуввати ва тараққиётини таъминлаш ҳамда авлодларга «фил мисоли ёдгорлик» қолдириш ва хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш лозимлиги ҳақида ҳам гапирган.

Алимқул кимники оти, туяси ёки эшаги бўлса, ҳарбий аслаҳалар, озиқ-овқат ва чодирларни Чирчиқ дарёсидан ўтказишга дарҳол ёрдам беришларини шаҳар катталаридан ва аҳлидан илтимос қилади. Бу сўров бажонидил қабул қилиниб, амалга оширилган. Тошкентга келган сарбозлар ва ғозийлар орасида қўқонликлар, андижонликлар, наманганликлар,

марғилонликлар, ўратепаликлар ва хонликнинг бошқа жойларининг аҳли бор эди.

Сарбозлар ва ғозийлар эрта тонгда ўринларидан туришиб, мусиқа ва мунгли мақомларни тинглашиб, қиблага қараб жойнамозда ўтирдилар. Бу пайтда «ҳар бир чодирдан бомдод азонининг овози эшитилиб турди, сўфилар овозининг аксадоси бутун осмону фалакка таралди. Бомдод намози адо этилгандан кейин одамлар руҳланиб ва дадиллашиб камарлар билан белларини боғлаб, қиличлар тақишиб, найза ва тўфангларни олишиб, темир қалқонларни кийишиб, шўҳ, ўйноқи ва келишган отларни минишиб жангга шайландилар». Сўнгра уларга фуқаролар, муллаваччалар (мадраса талабалари) ва бошқа ғозийлар қўшилишиб, Афросиёб тепалигига боришиб, Султон Саъидхонга салом ва кўриниш бердилар. Бунда «Тошкентнинг янги тарихи» асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳам жангчи сифатида ҳозир бўлган эди. Қозоқ халқининг қаҳрамони Содиқ Кенесар ўғли Алимқулнинг ўн кўли сифатида лашкарбошилиқ қилган. У бир гуруҳ сарбозлари билан душман турган жойга вазиятни билиш учун (разведкага) юборилади.

«Содиқ тўра, — дейилади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий асарида, — навкарлари билан чопиб келиб хабар бердики, икки фирқа рус аскарлари икки томондан — Шўртепадан чиқиб Олтинтепага ва бу ердан Назар қўрбоши қўрғончасига келишди ва бир-бирлари билан қўшилишди. Сўнгра, улар йўлни давом эттирдилар. Уларнинг бир қисми отлиқ, қолгани эса пиёда аскарлар ҳисобланиб, икки тўплари бордир. Улар кўп ўтмай Салор аригига етиб келадилар».

Дарҳақиқат, душман Салор атрофига ўрнашган. Алимқул уларга қарши биринчи навбатда қора кийимли сарбозларни, кейин нимча кийимлиларни ва орқасидан темир совут кийган 2000 навкарни, 2000 кулоҳпўш (шлем) кийганларни, сўнгра милтиқ билан қуролланган отлиқларни ҳамда минг киши орасида икки замбаракни жангга отлантиради. Уларнинг кетидан яна отлиқлардан ва газот талабгорлардан иборат кучлар борди. Алимқул сарбозлар ва ғозийлар орқасидан чопқир отга миниб тезлик билан Афросиёб тепасидан тушиб шаҳарнинг Қўқон

дарвозасига бориб тўпчилар, оташхона ва замбаракларни шундай тартиби билан ўрнаштирдик, ҳар бир сафни бошидан охиригача қараганда худди бир одам тургандек кўринарди. Сафлар орасида 36 замбарак қон ичувчи ўқлари билан оғизларини очган ҳолда фармонни кутиб турардилар. У бу ердан Тархонсаъид ариғи бўйида турган мужоҳидларни ҳам кўздан кечираётганда, ўруслар Салор ариғидан ўтиб, тўп отдилар ва солдатлар олға юра бошладилар. Рус аскарларига қарши тўп ва милтиқлардан ўқлар отилган. Шундан кейин жанг майдони тўп ва милтиқлар тутунидан, чанг-тўзондан киши бир-бирини кўра олмайдиган даражага етди. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари шиддат билан ҳужумга ўтиб, рус аскарларини чекинишга мажбур қилганлар. Шу онда Алимқул ҳар бир шахс олдига бориб, хусусан баҳодирларга, сардорларга ва сарбозларга ширин сўзлар билан мурожаат этиб, дин ва Ватан учун жангга руҳлантириб турган. Отлиқлар уч тарафдан ҳужум қилиб, душман орқасидан қувлаб Олчоқ ва Олтинтепа мавзелари орқали Шўртепагача қувлаб борганлар. Душман бу ердаги тепаликка чиқиб жон сақлаб қолган. Шундан кейин ватан ҳимоячилари турган жойларида зовурлар қазиб ўрнашиб оладилар. Ватан ҳимоячиларининг бир қисми шаҳарга қайтиб, дам олишга ва янги жангларга тайёргарлик кўриш тараддудига киришади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қўлга киритилган катта ғалаба карнай-сурнай садолари ва ашула-қуйлар садоси остида зўр шоду хуррамлик ва тантана билан қарши олинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ғалабани қўлга киритишда шаҳардаги аҳолининг катта-кичик барча тоифалари ва аёллар фаол қатнашдилар. Бу хусусда воқеалар қатнашчиси Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шундай ёзади: «Шаҳар аҳолининг 7 ёшидан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-қариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кўтариб қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар ва ширин меваларни саватларга солиб, ғозийлар ва мужоҳидлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб, кўз ёшлари билан ғозийлар ва мужоҳидлар юзларидаги чангу губорларни ювиб, артиб кўзгудек тозалаб, (келтирган нарсаларни) еб битиришларини илтижо қилдилар».

Киши қалбини ҳаяжонга солувчи мазкур сатрлар шундан гувоҳлик берадики, тошкентликлар Ватани ва дини учун жонини ҳам, молини ҳам фидо этиб чинакам эрксеварликларини, киндик қони тўкилган ерга содиқликларини яққол намоиш қилдилар. галаба том маънодаги халқ шодиёнасига айланиб, довруғи хонликнинг барча жойларига тарқалди. Эндиликда Султон Саъидхон ва Мулла Алимқул навбатдаги жангни қайси тарзда ўтказиш хусусида маслаҳатлашиб олиш учун кенгаш чақирдилар. Бунда тошкентликлар бир тарафга ва қўқонликлар иккинчи томонга алоҳида ўтқазилиб, фикр алмашилди.

Тошкент вакиллари катта жасорат ва ғайрат билан галабага эришилганлигини эслатишиб, Содиқ Тўра ва унинг укаси Арслон Кенесар ўғиллари бошчилигида навқарларни ва фозийларни Туркистон, Оқмасжид, Тўқмоқ, Олмаота ва умуман, Фулжагача бўлган, хонликка тегишли ерларни қайта эгаллашга чақирдилар. Бошқачароқ айтганда, улар шиддат билан босқинчилар устига бостириб бориш зарурлигини таъкидладилар. Аммо қўқонлик амалдор Отабек шарбатдор деган киши Мулла Алимқулга пичираб: “Агар уларнинг бу режалари рўёбга чиқиб қолса, у вақтда бириси хон, бириси вазирликни хоҳлаб биздан юз ўгириши турган гап” деган. Мулла Алимқулга бу гап маъқул келиб, аввало мамлакатдаги ички ишларни ҳал этиб, сўнгра жаҳонгирлик қилиш ўринлидир, деб жавоб берган. Аслида душман мағлубиятга учраб турган кезларда шиддатли ҳужум воситасида уни тамомила тор-мор этиш ҳарбий нуқтаи назардан энг тўғри йўл эди. Аммо Мулла Алимқул бундан олдинги галабаларда ҳам душманни охиригача мағлубиятга учратиш сиёсатини қўлламай, дастлабки галаба билан қаноатланиб қолгани рус ҳарбий сардорларига жуда қўл келган эди. Улар ҳар гал бундан фойдаланиб, нафас ростлаб ва тайёргарлик кўриб, ҳал қилувчи жангларда баланд кела бошладилар. Тошкентда ҳам худди шундай ҳол юз берди.

Рус манбаларига кўра, юқорида шарҳланган жанг 9 май эрталаб соат 7 да бошланиб, ватан ҳимоячилари 12 замбаракдан ўқ узиб, ҳужум қилган. шундан кейин гўё ватан ҳимоячилари чекинган эмиш, лекин, дейилади рус манбасида, душманнинг

(яъни ватан ҳимоячиларининг — Ҳ.3.) ўқ ёмғирлари остида рус аскарлари тепаликка чиқиб олган эдилар. Бу маълумот руслар Ниёзбек қалъасидаги тепаликка чекиндилар, деган юқоридаги сўзларни тасдиқлайди. Аммо рус манбаларида Черняевнинг мағлубиятини сир тутиш мақсадида ватан ҳимоячиларининг галабаси тилга олинмайди.

Галабадан кейинги воқеаларни Муҳаммад Солиҳ Тошкандий қуйидагича таърифлайди: У мадрасадаги ўз сафдошлари билан қуролланган ҳолда Қўқон дарвозасидан чиқиб, Салор ариғи орқали Назар қўрбоши қўрғончасига келган. Бу ердан улар Олчоқ ва Дўрмонча деган жойга бориб, мудофаада турган ватан ҳимоячиларига қўшилганлар. Бу ерларнинг уч жойида 12 тадан, яъни 36 тўп ўрнатилган бўлиб, уларнинг орасида сарбозлар ва ғозийлар ўрнаштирилган эди. Айни вақтда Шўртепа қалъасининг нариги томонида уч бўлинмадан иборат рус аскарлари турган. Ҳар икки томон ўртасида тўплардан ўқ ёмғирдек ёғилиб, ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплаган. Бу даҳшатли жангни ўз кўзи билан кўрган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шундай ёзганди: «Тўплар ва милтиқлар оғзидан думалоқ ўт-оловлар чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар ҳамда мужоҳидлар уруш майдонида душманни ёқасидан ушлаб ва муштлашиб, қўлларидаги тиг, қилич ва найзалар билан жанг қилдилар. Майдонда ўлаётганлар ва жароҳатланганларнинг оҳ-воҳлари ва фарёдлари садолари ҳар томондан эшитилиб турарди». Шу пайтда Алимқул ҳужумни янада жадаллаштириш ҳақида фармон бериб, Абдуллабек билан от чоптириб, жангга кириб кетдилар. Абдуллабек бир кўзидан жароҳатланади, лекин у бўш келмай, қаршисидаги рус солдатини қиличи билан икки бўлак қилиб ташлайди. Мулла Алимқулнинг ўзи ҳам бир солдатни чопиб ташлайди. Жанг авжига миниб турган пайтда бир ўқ Алимқулнинг қорнини тешиб, киндигидан чиқиб кетади. Шу онда Алимқул «от устидан йиқиляётганда уни бўйнидан маҳкам ушлаб, ўзини яна от устига олди ва шу ҳолда тўпхона олдига бориб фармон бердиким, - Тошкент фуқаролари аста-секин орқага қайтиб ўзларини шаҳар ичига олсинлар, бошқа сарбозлар ва мужоҳидлар эса урушни давом эттирсинлар».

Алимқулнинг қаттиқ жароҳатлангани ва тошкентликларнинг шаҳар ичига қайтиши ҳақидаги кўрсатма ватан ҳимоячиларини саросима ва ваҳимага солиб қўйди. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари жангни давом эттирдилар.

Юқорида шарҳланган жангнинг тафсилоти ва айрим сардорларнинг хоинлиги Мулла Олим Маҳмудхожи асарида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, қипчоқ ва қирғизларнинг баъзи бошлиқлари ниҳоятда хавф-хатарли ва тақдирни ҳал этувчи дамларда очикдан-очик жанг қилишдан бош тортган. Бу масала хусусида манбада шундай ёзилган: «Тошкентдан тахминан ўн икки чақиримлик Олчоқ мавзеига яқинлашганда Алимқул кўрибдурларким, Русия қўшини бир жойга жам бўлиб турубдур. Оларнинг муқобилига Алимқул отлиқ мерганларни пиёда қилиб, тўпчи сарбозларни ёнига қўйиб, тўпларни рўбарў айлаб, икки тараф отишма бошлабдилар. Ҳар икки тарафнинг тўп-тўфонг отишидан ва чангу губоридин уруш маъракаси қоронғу бўлиб, бир-бирларини кўрмайдурғон даражага етуб, бу урушда Алимқул ўзи қўшинга бош бўлиб, гоҳ бул тараф, гоҳ ул тарафдаги аскарларнинг тепасига бориб кўнгил сўраб турган. Аксар қипчоқ-қирғиз саркардалари кўшинлар билан урушга аралашмай Алимқулга кўриниш айлаб тепа устидан урушни назорат қилиб турубдурлар. Алимқул Юнусжон шиғовулни юбориб айтибдурларким: «Бу қандай аҳвол... хусумат ва адоватни вақти эмас, уруш тамом бўлгандан кейин ҳар нима кўнгилларингизда бўлса, муддоан таъб жойига етказурман. Ҳаммамиз иттифоқлашиб обрў олайлук, бўлмаса мулку мамлакат, давлат қўлдан кетадур». Бу сўзларни Юнусжон шиғовул еткурғон ҳолда оларнинг ичидан Пўлод қирғиз деган дағал одам қаттиқ ва дуруст жавоб бериб, Юнусжонни қайтарди. Шул уруш асносида Алимқул ҳар қайси қўшин дастасида гоҳ тўпчилар, гоҳ пиёда мерган ва отлуғ аскарлар олдига бориб, ҳар қайсиларига ўзи амр бериб турган ҳолда биқинидан ўқ тегиб отдин йиқилди. Дарҳол уни от узасига олиб, қўшиннинг назарига соғ одамдек кўрсатиб, қўшинга дарҳол тўп ва тўпхоналар билан аскар Тошкент тарафига қайтсин деб амр берилди».

Шу равишда ватан ҳимоячилари сардорсиз қолиб, ўз ҳолига ташланди ва парокандалик кучайиб борди. Шунга қарамай,

улар ўз куч ва иродаларига таянган ҳолда уруш майдонини ташлаб кетмадилар. Улар 36 замбаракдан душманга қарши ўқ отиб турдилар. Сўнгра карнай садолари остида ватан ҳимоячилари бирдагина ҳужумга ўтиб, душманлар билан юзмаюз жанг қилдилар. Шу тарзда улар аста-секин Салор ариғига чекиндилар. Бу вақтда Алимқул ниҳоятда оғир аҳволига қарамай жангчилар билан бирга бўлди.

Аммо баъзи гуруҳларнинг ҳатти-ҳаракатлари душманга қарши курашга анча зарар етказди. Биринчилар қатори Ҳакимхўжа Калон бошчилигидаги себзорликлар душман ҳужумига бардош беролмай қочдилар. Қипчоқ, қирғиз ва андижонликлар ҳам кўлга тушган нарсаларни олиб Фарғона томонга йўл олдилар. Сотқин гуруҳлар Қўқон дарвозаси рўпарасида турган 12 тўпни шаҳар ичига олиб кириш ҳақида тўпчиларнинг илтимосига қулоқ солмай кетаверганлар. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўзининг ҳамроҳлари билан икки тўпни шаҳар ичига жойлаштиришга ёрдам берган. Худди шу вақтда белига олтин камар боғлаган, кумуш қинда қиличи ва олтин сопи ойболтаси бор, сардорлардан бири ҳам қочиб кетаётганда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий уни хоинликда айблаб темир таёқ билан елкасига уриб йиқитган.

«Бироз муддатдан кейин, — деб ёзган у, — Абдуллабек табиб Алимқулни ўзига суянтириб келаётир, уларни ёнида эса Ҳиндистонлик тўпчибоши дастрўмолчаси билан кўз ёшларини артиб турган эди. Шунда Алимқулнинг ўғли келиб дадасини кўргани ҳамон «Вой, отам» деб йиғлаб юборди. Жамидор (ўша ҳинд) тўпчибоши дарҳол унга “товуш чиқарма», деб ишорат қилди. Ўғлини кўриб Алимқул олдига келишини ишорат қилди. Алимқул нималарнидир пичирлади ҳамда қўйнига қўлини тикиб пайғамбарнинг муборак сочларини ўғлига берди. Шу билан ўғли билан хайрлашди ва кетишига рухсат берди. Шундан кейин Алимқулни аста-секин Қўқон дарвозасидан ичкарига олиб киришиб, чап томонига шайх Шиблий кўприғига юришиб ва ундан ўтиб ўнг қўлдаги соя-салқин дарахтзорга ётқизишди».

Шу пайтда русларнинг тўпдан отган ўқларининг бири қалъани шикаслантирди, иккинчиси баъзи тўпчиларни ўлдирди ва баъзиларини жароҳатлантирди. Натижада тўп отувчи киши

қолмаганидан Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳамроҳлари билан ўқни тўпга жойлаётганида бир йигит келиб, исми Тошмуҳаммад эканлигини ва Оққўрғонданлигини билдириб тўпни отишга киришган. Ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академияси ботаника боғининг ўрнидаги боғлар ва умуман унинг атрофидаги кўчалар Оққўрғон номи юритилган. Бу ерда Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғлининг катта боғи ва дарахтзорлари бор эди. Буларнинг юқори томонида, яъни Ботаника боғининг Салорга яқин этагида менинг отам Мулла Зиёнинг ҳам боғи бор эди. Мана шу Оққўрғонлик йигит моҳир тўпчи ҳам бўлган экан. Зеро, унинг отган ўқлари хато кетмасдан мўлжалга тегиши туфайли рус замбаракларининг овози ўчган. Бундан хурсанд бўлган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий дебди: «Эй, жон ўғлим, сени хизматингни шарофатидан мусулмонлар катта фойда кўрдилар, қалъа кунгирасидан қарайлик-чи, ўқлар бекорга кетмаганмикан. Тездан қарасак, руслар Ниёзбекни катта йўли бўйлаб, тўпларини пастлик ерга қўйиб, сўнгра аста-секин Шўртепа томонга юрдилар. Буларни кўриб мен: «Охиратинг обод бўлсин, зоту зурриётингга раҳмат», — деб Тошмуҳаммадни дуо қилдим».

Қариндошларининг сўзига кўра, Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғли кейинги жангларнинг бирида ҳалок бўлган. Шундай қилиб у босқинчиларга қарши курашларда қаҳрамонлик кўрсатиб машҳур тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг дуоси ва мақтовига сазовор бўлган. Аини пайтда унинг номи Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун жонини тиккан шахс сифатида тарих саҳифаларига битилди.

Ватан ҳимоячилари душманга қарши тўплардан ўқ узишни тўхтатмай, пировардида ҳаммаси шаҳар ичига қайтишиб, дарвозаларни маҳкамлашди. Шаҳарда ўзбошимчалик ва парокандалик ҳукм суриши натижасида вазият янада оғирлашган. Ҳамон Қўқон навкарларидан бир гуруҳ кишиларнинг Хўжанд ва Қўқон томонга кетаётганлигини кўриш мумкин эди. Шу пайтда Асадулла табиб ва Абдулла либосдор шайх Шиблий кўприги томонидан ярадор Алимқулни замбилда ҳукумат саройига олиб келдилар. У замбилда ётган ҳолда «Тошкент фуқаролари хафа бўлмасдан уй-жойларига

қайтсинлар», деган сўзларни такрорлай берган. Афтидан, у уларни шаҳар мудофааси билан машғул бўлишга чақирган. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳамроҳи Эшонхонхожи билан шовқин-суронни эшитиб қурол билан масжиддан кўчага чиқишса, Чуст ҳокими Муҳаммад Аюб отлиғ яроғ-аслаҳалар ва байроқлар ҳамда минг кишилиқ отлиқ аскарлар билан кетаётган экан. Уларга «Қаёққа кетаётирсизлар?», деб савол берилганда, «Ўруслар Кўкча дарвозаси томон келмоқчи, амири лашкар Алимқул ўша ёққа боришни буюрдилар», деб жавоб берганлар. Шу пайтда бир киши амири лашкар ўлдилар, улар қочиб кетаётир, деб гапирган. Шунда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Чуст ҳокимига «Ҳукумат берган тузини» инобатга олиб душманга қарши урушни давом эттириш лозимлигини айтганда, ҳоким: «Бу муллавачча нималарни гапираяпти», — деб қиличи билан унинг бошига урмоқчи бўлган. Муҳаммад Тошкандий эса чаққонлик қилиб милтигининг қўндоғи билан ҳоким отининг тумшуғига ва орқа томонига урганда гандираклар, орқага кетаётган отларга урилган. Улар ваҳимага тушиб қочиб қолганлар.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий яна бир воқеанинг гувоҳи бўлган. У кўчада кетаётганда чопони ичида қиличи бор икки кишинининг юк ортилган икки отни етаклаб кетаётганликларини кўриб, сўраганда «Бизлар савдогарлармиз, ҳукумат саройига бораётирмиз», — деб жавоб беришган. Аммо Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг шогирдларидан бири отлиқлар Қўқондан қори Шамсиддин томонидан Алимқулга уруш харажатлари учун юборилган маблағларни олиб кетаётган Ҳакимхўжа ва Ёқуббойвачча исмли кишилар эканлигини маълум қилади. Бу давлат хазинасига тегишли маблағлигини англаган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий хазинани Муса Муҳаммадбий деган кишининг уйига қўйдирган ва ўғирланишдан сақлаган. Шундан кейин Муҳаммад Солиҳ Тошкандий бу ҳақда маълумот бериш учун Султон Саъидхон ҳузурига кетади. У ҳамроҳи Эшонхўжа билан шайх Шиблий ариғи кўпригидан ўтганда «подшоҳлик анжомларини ва ҳар хил нарсаларнинг» тепасида турган Тўрақул деган кишига дуч келган. У киши бу хазинага тегишли нафис ва қимматли

буюмларни шаҳар ичига олишда ёрдам беришни илтимос қилади. Бу сўров сарбозлар ёрдами билан амалга оширилган. Кейин маълум бўлишича, хазина молларари қаергадир олиб кетишга тайёрлаб қўйилган экан. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Султон Саъидхон дарвозасининг шимолидаги Давлатбой деган кишининг ўрикзорида турганини аниқлаб олади. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Султон Саъидхоннинг: «Қаердан келаётирсизлар?» — деган саволига шундай жавоб беради: «Мужоҳидлар ва ғозийлар жамоасига Қўқон дарвозасини беркитдириб, паришонҳол ва ҳар томонга қочаётган кишиларни ўз жойларига қайтариб ва яхши сўзлар билан кўнгилларини кўтариб, юракларидаги ҳар турли ваҳима ва хавфни чиқариб, подшоҳликка тегишли турли молларни ва маблағларни талон-тарож этишдан ҳоли этиб, маълумот бериш учун ҳузурингизга келдик». Шунингдек, у сўзининг охирида Тошкент шаҳрининг «қуршовдаги қўл-оёқсиз (сардорсиз) ва ташналикда (сувсизликда) қолган халқини озод этишнинг охири бахайр бўлишлиги»ни таъминлаб, «яхши ном қолдириш ва буни авлодлар қалбида абадул-абад сақланишини» таъкидлаб ўтади.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг бу оташин ватанпарварлик сўзлари хазинани Қўқонга олиб қочишга ҳаракат қилаётган Муфсид Отабек шарбатдорнинг газабини кўзгатиб юборди. У ўзини тута олмай навкарларга Муҳаммад Солиҳ Тошкандийни отиб ташлашни буюрди. «Бизлар ҳам, — деб ёзади у, — кўчанинг ўртасига тушиб улардан олдин милтиқларимиз билан уларни пешонасини нишонга олдик.» Бу ҳолни кўриб турган вилоят катталаридан бири бўлмиш Эшон Мансурхўжа: «Отабек, ҳозир шундай вақтки, фитна-фасодни ва халқни паришонлигини даф этиб ва орқага қайтиб мамлакатдорлик ишлари билан машғул бўлиш даркордир. Айни бир вақтда подшоҳлик асбобу анжомларини бир ерга тўплаш лозимдир», — деб гапирган.

Шундан кейин йўлга чиқишга отланиб турган Султон Саъидхон «дарҳол отининг жиловини орқага буриб ва қайтиб» Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқа кишиларнинг олдига келиб ўзининг кетмаслигини англатди. Шундай қилиб кўрдикки, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий оташин ватанпарвар,

жасоратли ва мард жангчи сифатида ўз она юрти ҳимояси учун ҳеч нарсадан қайтмаган. Унинг Султон Саъидхонни қора кучлар панжасидан ажратиб олиши ва хазина молларини сақлаб қолиши душман қамалидаги шаҳар аҳли учун ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди.

Султон Саъидхондан юз ўгириб қочиб кетган қипчоқлар, қирғизлар, айрим Қўқон сардорлари ва навкарлари Қўқонга боришиб, тахтга янги хонни тайинлаш ҳаракатига тушиб кетдилар. Бу вақтда Тошкент шаҳри амалда Қўқон хонлигидан ажралган ҳолда яшамоқчи эди. Аммо Тошкент аҳли Султон Саъидхоннинг, юқорида кўрсатилганидек, Алимқул амириллашкар билан душманга қарши курашларда бевосита қатнашганлигини қадрлаб ва ўз содиқлигини изҳор қилиб, уни қайта хонлик тахтига ўтқаздилар. «Мамлакат аъёнлари, ашрафлар ва мутасаддилар, хусусан Содиқ Тўра ва укаси Арслон Тўра, Солиҳ додхоҳ, Бобожон понсодбоши, Мулла Содиқ ва Отақули Маҳрам ясовул ва бошқа сардорлар ҳозир бўлишиб, таъзим ила салом беришиб, пешоналарини мазлати тупроғига суртиб, амал даражалари мақомига яраша ўтиришиб яқдиллик билан Султон Саъидхонни тўрт бурчакли оқ кийгиз устига ўтқазиб, юзини қибла томонга қаратиб қўйдилар. Тўрт жамоа ва қабила бошлиқлари кийгизни бир бурчагидан, уламо ва фозиллар иккинчи бурчагидан, Содиқ Тўра ва Арслон Тўра ва бошқа элат бошлиқлари учинчи бурчагидан, Қўқон сардорлари тўртинчи бурчагидан, Тошкент аъёнлари, ашрафлари ва саркардалари, жумладан Шер Алибий, ҳаммалари бирданига такбир айтиб, саловот ўқиб, йиғлашиб подшоҳликка кўтаришди ҳамда подшоҳлик тожини бошига кийгизишди. Шу онда улар «Муборак бўлсин» дейишиб, табриклашдилар. Султон Саъидхон шарафига зиёфат берилди».

Султон Саъидхон Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг хизматларини тақдирлаб, шойи тўн кийгизиб, шундай деган: «Эшони домудла! Энди давлатга шерик бўлдингиз, хабар олиб турсинлар». Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, амалда мустақиллигини намоён этди. Мазкур воқеа арафасида эшон Юсуфхўжа Иноғомхўжа читфурушнинг ўғли хонадонидан Алимқулнинг ўлиги чиқарилиб, Шайхонтоҳур қабристонига

қўйилган. У ҳам тобутни кўтаришиб борган. Алимқулнинг жон бериши ва дафн этилишини Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий шундай баён этган: «Қирғиз ва қипчоқлар вафосизлик қилиб, Хўқанди латифга кетган кунларида сартия аҳолиси замон хонига вафодорлик кўрсатиб, амири лашкар билан қолдилар. (Қипчоқ ва қирғизлар) хиёнати амирилашкарга ҳам маълум бўлди. Бундан дард чекиб (Алимқулнинг) касаллиги яна оғирлашди ва пешиндан кейин унинг руҳ қушчаси тананинг тор қафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди, жонни жон ато қилганга бериб, шаҳодат даражасига етди. Амири лашкарнинг фарзандлари, хотинлари ва тобеълари бу аҳволни мушоҳада қилиб, мажруҳ қалблари яна маҳзун бўлди. Сабру қарор жабрини қўлдан бериб, ғам ва қайғу тариқасига ўтдилар. Аркони давлат, аъёни шавкат, сартия мамлакатининг ақобиру ашрафлари, Тошкентнинг каттаю-кичиги ҳамма қайғуга тушиб йиғладилар. Уларни кўзларидаги ёшлар дурга ўхшаб оқарди.

Алқисса, ул жамоатнинг нолаю фарёди фойда қилмади ва бу дарди бедавога илож ҳам топилмади. Ниҳоят, фоҳира дунёнинг орият либосини амирилашкар танидан ечиб, охират либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аъёни мамлакат қайси маконга Алимқулнинг жасадини қўййлик, деб машварат қилиб бир қарорга келолмадилар. Шу маҳал амири лашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслаҳат қилиб иттифоқликда жасадни фозиллар қуёши ҳазрати Шайх Хованд Таҳур мазориди дафн қилдилар».

Бинобарин, Алимқул қайғу-алам ва ҳурмат-иззат билан жамоа аҳлининг барча тоифалари иштирокида кўмилди. Ҳақиқатан ҳам у ўз халқининг содиқ фарзанди ва жонкуяри эди. У Маллахон вақтидаёқ ўнлаб янги ва анча такомиллашган тўпларни, яроғ-аслаҳаларни тайёрлашга катта эътибор билан қаради. У Рус давлатининг тажовузига қарши олиб борилган жангларга бевосита бошчилик қилди. Уларда қўлга киритилган ажойиб ғалабалар унинг номи билан боғлиқдир. Пировардида унинг ўзи ҳам жанг майдонида оғир жароҳатланди ва ҳалок бўлди.

Тўғри, айрим манбаларда Алимқул фаолиятига доир салбий қарашлар ҳам мавжуд. Аммо ўша даврдаги жуда мушкул сиёсий ва иқтисодий шароитда унинг қилган ишлари ҳар кимнинг

ҳам қўлидан келавермас эди. Бунинг учун Алимқулга ўхшаган ватанпарварлик, тадбиркорлик ва жасорат сингари олий фазилатларга эга бўлиш лозим эди.

Султон Саъидхон қайта тахтга ўтказилганидан кўп ўтмай саркардалар, уламо ва фозиллар, умуман, шаҳарнинг нуфузли кишилари қатнашувида Рус давлатига қарши курашда қандай чоралар кўриш масаласи бўйича кенгаш ўтказилди. Қизғин баҳслардан сўнг ёрдам сўраб Қўқонга, Бухоро ва Хива хонликларига элчилар юборишга келишилди. Султон Саъидхоннинг кўрсатмасига биноан, хон саройидаги Мулла Мирза шиғовул ва Мулла Юнусхон мунший деган кишиларга юқорида қайд этилган жойларнинг ҳукмдорлари номига хат тайёрлаш топширилди. Қўқонга юборилган элчилар жанг майдонидан қочиб бораётган Қўш парвоначи қипчоқ (собик Тошкент ҳокими) ва Мирза Аҳмад кушбеги бошчилигидаги навкарларни Пискент ва Қурамада учратиб, ёрдам бериш тўғрисидаги хатни топширганлар. Аммо улар орқага қайтишга кўнмай Султон Саъид ва Муфсид Отабек шарбатдор номларига хат ёзиб, қандай бўлмасин, Султон Саъидхонни Қўқонга олиб келишни, акс ҳолда тахт бегоналарга ўтиб кетишини маълум қилганлар. Шу билан элчилар орқаларига қайтишган. Бухорога себзорлик эшон Ҳакимхўжа қозикалон бошчилигида ҳар даҳадан тўрт оқсоқол юборилган эди. Тошкентликларнинг сўрови хон саройида муҳокама этилганда бир гуруҳ кишилар баланд овоз билан: «Энди бизларга ҳам жиҳод ва газот қилиш фарздир», дейишган. Амир Музаффар ҳам Тошкентга ҳамдардлик изҳор этиб, мактублар билан элчиларнинг қайтишларига рухсат берган. Аммо амир Музаффар элчиларига Жиззах орқали кетишни буюриб, унинг ҳокими эронлик Ёқуб номига ҳам хат ёзиб юборган. Элчилар бу ерга келишганда суҳбат вақтида ҳоким дебди: «Султон Саъидхон Тошкентда қамалда турган эканлар, сизлар соғ-саломат етиб борганларингиздан кейин айтингларки, у амир Музаффари олийларига кўриниш берсинлар ва зиёратни бажо келтирсинлар. Шундай қилинса, ҳукмдорлик қоидаларига риоя қилиниб иттифоқлик, ҳамкорлик ва дўстликни юзага келишига баҳона бўлади».

Музаффархоннинг жавоб хати ҳам худди шу мазмунда эди. Хуллас, Бухоро амири биринчи галда Султон Саъидхоннинг

бўйсуниси ва шундан кейингина ёрдам бериши мумкинлигини билдирди. Бу аслида Тошкентнинг Бухоро амирлиги таркибига кириши деган сўз эди. Шу боис мазкур масала шаҳарнинг нуфузли кишилари, жумладан, «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифи қатнашувида муҳокамага қўйилди. «Бу кенгашда, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — Қўқоннинг баъзи бетамиз ақобирлари ҳамда шайтон, маккор кишилари Отабек шарбатдорнинг Султон Саъидхонни Бухоро амири ҳузурига юбориш ҳақидаги сўзини қувватладилар».

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий сўзламоқчи бўлиб турганда Солиҳ додхоҳ унга, кўнглингизга келган гапни ошкора гапираверинг, деган. «Шундан кейин, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — Султон Саъидхонга савол бердим: «Шаҳзода, сиз кимнинг фарзандисиз?» — Жавоб бердиларким: «Шаҳид Маллахоннинг арзанда ва азиз ўғлиман». Мен дедим: «Отасига ҳам, ўғлига ҳам раҳмат, бириси адолат ноғорасини чалди, иккинчиси эса, ғазот ва жиҳод йўлида хизмат кўрсатиб ва яхши ном чиқариб ўзга ҳукмдорларни ҳайратга солди. Шаҳзода бамисоли хонлик хазинасидаги жавҳардир, уни бекордан-бекорга қўлдан бой бермаслик лозим. Аксинча, бу кишини этагидан ушлаш бурчимиздир. Ҳали қўлга кирмаган насияга ишониб қўлдаги нақдни бериш ярамайди. Давлатнинг тузини ичган ҳар бир амалдор ва саркарда унинг ғамини емай, хизмат қилмай ва ўз вазифасини адо этмай ҳар томонга қараб қочса, фуқаролар душманнинг асирига айланиши турган гапдир».

Бу сўзларнинг тагида, агар Султон Саъидхон Бухорога кетса, у вақтда халқ олдидаги масъулиятини ва бурчини бажармай катта хатога йўл қўяди ҳамда фуқароларни Рус давлати тобесига айлантиради, деган маъно ётибди, албатта.

Кенгашда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий фикрини қувватловчилар ҳам бўлиб, улар шундай дейишган: қўлдаги нарсани ҳавойи гапга ишониб бериш ва йўқ нарсага умид боғлаш ақлсизликдан, нодонликдан ва кейинги пушаймонликдан иборатдир. Биз ҳар томонга элчилар юбориб ёрдам сўрадик, энди ёрдам берсинлар ёки бермасинлар, барибир, уруш харажатларини Тошкент аҳли ўз бўйнига олиб, нимаики зарур бўлса, етказиб берилади. Шу онда Отабек

шарбатдор шайхонтаҳурлик Мулла Миржалил Гулмирза оқсоқол ўғлини Бухорога элчи сифатида юборишни таклиф қилди. Бунга қарши ўлароқ Муҳаммад Солиҳ Тошкандий: — Яхшиси, биздан ярим чақирим масофадаги генерал Черняев хузурига ақлли ва тадбиркор элчини юбориб, урушнинг тўхталишини ва унинг Чимкентга қайтишини таклиф этайлик, деган. У бу режа амалга ошса, ҳарбий тайёргарлик кўриш учун вақтдан ютиш мумкин бўлишини баён қилган. Кенгашдагиларга бу таклиф маъқул бўлиб турганда бир гуруҳ «худбин ва жоҳиллар: — Бизлар русларга бош эгиб ҳеч вақт элчи юбормаймиз, — деб ўринларидан туриб кетишган. Шунда Султон Саъидхон Муҳаммад Солиҳ Тошкандийга шойи тўн кийгизиб: «Эшон домламиз ҳозиржавоб ва ҳамма бобдурлар», — деб мақтаган.

Кўп ўтмай Бухородан Искандар отлиқ бир амалдор олти нафар киши билан келиб Султон Саъидхонга амир Музаффар мактубини топширган. Бу мактуб мазмуни Султон Саъидхон ва шаҳарнинг нуфузли кишилари қатнашган кенгашда муҳокама этилади. Унда Султон Саъидхонни Бухорога таклиф қилишдан мақсад қамалдаги тошкентликларга ва атроф-жойлардагиларга дўстона ёрдам бериш эканлиги ёзилган экан.

Султон Саъидхон мактубни қўлга олиб йиғин қатнашчиларига дебди: «Эй, қамалдаги фуқаролар, дин йўлида девор остида ётган кишилар, душман ўқиға кўкрагини тутиб турганлар, чанг-тўзонда қолганлар, жонларини аямай душман найзаси ва ўқиға қалқон бўлганлар, қандай маслаҳат берасизлар?». Кенгашдагилар яқдиллик билан: «Бизга ҳозир ниҳоятда оғир дамларда ёрдам бериш ўрнига сардорларимизни олиб кетишадиларми, ахир. Биз раҳбарсиз қоламиз-ку, бошимизни олса олсинларки, лекин ҳукмдоримизни бермаймиз», — деб жаҳл ва норозилик билан тарқаб кетганлар. Шундан кейин нуфузли кишилардан бир гуруҳи келиб, Султон Саъидхонни Бухорога жўнатишга қарор қилдилар. Бундан хабар топган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий дарҳол келиб норозилик билдирганда, Бухоро амирининг тарафдорлари «Султон Саъидхон Бухорога бормагунча ёрдам бўлмайди, амир ҳазратлари эса бу ерга қадам босмайдилар», — деб жавоб берганлар. Шунда

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий кўнглида ёрдам қўлини чўзиш ниятидаги одам шарт қўймай келаверади, амирнинг эса Рус давлати билан тили бир, деб гапирган. Сўнгра у очикдан-очиқ: «Давлат тузини ичган амалдорлар ва сардорлар қочсалар, қалъа тупроғини ялаб ётган фуқаролар, ғариблар, бева-бечораларнинг қўллари қиёматгача уларни ёқасига ёпишиб, маломат ва таъна остида қоладилар», деб чиқиб кетган.

Хуллас, Султон Саъидхон 1865 йил 9 июнда, эрта тонгда Мирҳамид Мирҳалим ўғли бошчилигида 500 аскар ва бир тўп билан Бухорога йўл олди. Бу вақтда душман тўпларининг овози эшитилиб турмоқда эди. Султон Саъидхон кетмасдан бир неча кун илгари рус ҳарбий саркардалари бўлажак ҳал қилувчи жангга пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар «Туркистон заминига, хусусан, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларга жосуслар юбориб, маълумот тўпладилар ва кўп нарсаларни билиб олдилар».

Айни замонда Тошкентда Бухорога элчилар юборилганидан хабар топган Черняев амирнинг ҳарбий юриш қилиши эҳтимолдан холи эмас, деб унинг йўлини тўсиш учун 1865 йил 17 майда Зангиота орқали бориб, Сирдарё қирғоғидаги Чиноз қалъасини эгаллади. Бу ерда 4 чўян замбарак ва бошқа яроғ-аслаҳаларни ўлжа олди. Шундан кейин у ўз аскарлари билан Тошкент остонасида қолдирилган подполковник Краевский бошлиқ ҳарбий қисмга келиб қўшилди. Султон Саъидхон кетмасдан олдин руслар вақти-вақти билан шаҳарни тўплардан ўққа тутиб турдилар. Чунончи, бир қисм солдатлар шайх Шиблий ариғи атрофидаги Азизберди оқсоқолга тегишли жойга ўрнашиб, тўплардан қалъани ўқ ёмғирлари остига олди. Буларга қарши шаҳар дарвозалари тепасига ўрнатилган тўплардан жавоб ўқлари отилди. Улар шу даражада мўлжалга аниқ отилдики, душман чекинишга мажбур бўлди. Бу муваффақият учун Султон Саъидхон ўзини кўрсатган ҳар бир тўпчини 100 тангадан пул, биттадан тўн ва қўй билан тақдирлаган эди. Аммо ҳали қаттиқ жанглар ва талофатлар олдинда эди. Мана шундай хавф-хатарда Алимқулнинг ўлими ва Султон Саъидхоннинг шаҳарни ташлаб кетиши ватан ҳимоячиларини сардорсиз ҳамда лашкарбошимиз қолдирди. Бунинг устига Бухоро, Қўқон ва Хивадан ҳеч қандай

ёрдам келмади. Айниқса, Бухоро хонлигининг тутган сиёсати душманга қарши курашга беқиёс катта зиён келтирди. «Тошкентдан, — деб ёзади Мулла Олим Маҳмудхожи, — одам ва ариза юбордилар. Амири Бухоро буларга гўёки ёрдам ва иноят тариқасида Искандарбек саркардани беш-ўн узун чопон одам ила Тошкентга юборгандан бошқа фойдалари бўлмади. Лекин ёрдам бермоқ умидида Тошкент шаҳрида Хўқанд ҳокими бўлиб турган хонзодани (Султон Саъидни) бир неча саркардалар билан Бухорога олдириб кетмоқ бўлдилар. Муддаолари ёрдам бермоқ ўрнига Хўқанд тахтини тасарруфига олиб, ўзларига тобе одамни хон қилмоқ эканлар. Бу муддаони жойига келтурмоқ учун тошкентликларга қанча ваъда ваидлар айлаб, Фарғона ўлкасига мустақил хон маснадида барқарор бўлиб турган ёш хонзода Султон Саъидхонни бир неча улуглар илан Бухорога олдуриб кетдилар».

Бухоро хони Музаффархоннинг ўта калтафаҳмлиги ва нодонли орқасида «Тошкент мамлакати беҳоким ва эгасиз қолди. Алқисса, мусулмонлар бесаранжом бўлиб бошсиз қолдилар. Ҳар бир фирқа ўз ҳолича эди. Бунга қўшимча, Тошкент фуқароси қолдирилган бир неча минг хўқандлик сарбозларни навбат билан боқардилар».

Қамалда ва ҳаёти қил устида турган Тошкентга Қўқон хонлиги томонидан ҳар жиҳатдан ёрдамнинг тобора кучайтириб берилиши ҳам фарз, ҳам қарз эди. Аммо у ерда юзага келган вазият бунга йўл бермади. Хонликнинг юқори табақа вакиллари тахт учун курашга муккасидан тушиб ўзлари билан ўзлари ўралашиб қолдилар. Аваз Муҳаммад Атгор Хўқандийнинг берган маълумотига кўра, 1865 йилнинг 31 майида қипчоқ ва қирғизларнинг сардорлари Сирдарё бўйидаги Сарой деган қишлоқда шаҳзода Шодибекни хон тахтига ўтқазिशга қарор қилишиб Қўқонга боришади. У ерда улар Бекмуҳаммад қипчоқни мингбоши лавозимига ўтқазиб, ҳокимиятни қўлга оладилар. Аммо Бухоро амири Музаффар ўзининг вассали сифатида Худоёрхонни Қўқон тахтига ўтқазиб, учун ҳарбий юришга тайёргарлик кўрарди. Шу боис Қўқон хонлигида ўзаро зиддият ва урушлар қизиби, вазият ниҳоятда оғирлашди.

Оқибатда қамалдаги Тошкентнинг тақдири Бухорода ҳам, Қўқонда ҳам ҳукмдорларни ташвишга солмади. Тошкент аҳли

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса-да, лекин душманга қарши жангга шайланиб турди. Рус манбаларининг кўрсатишича, бевосита шаҳар мудофаасида турганларнинг сони 30 минг кишига борган. Аммо шаҳарда айрим кишилар ва гуруҳлар умидсизланиб қочаётганлигини ҳам кўриш мумкин эди. Масалан, Усмон Али ва Ниёз Али понсодбоши қочаётганларида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий уларга милтиқ ўқталиб тўхтатган.

Черняев шаҳарни қай тарзда босиб олиш хусусида сафдошлари билан ҳарбий кенгаш ўтказди. Бунда подполковник Абрамов шаҳар деворини тешиб, шу ердан ҳужум қилишни таклиф этди. Черняев агар бундай қилинса, у вақтда душман барча кучини бир ерга тўплаб ҳужумни қайтариши мумкинлиги айтди. Унинг фикрича, душман ўйламаган жойдан тўсатдан шаҳарга бостириб кириш қалабани таъминлайди. Кўп ўтмай бундай имконият топилди. Чунончи, поручик Макаровнинг бир ўзи девор ташқарисидаги боғлар ва чакалакзорлар орасидан бориб Камолон дарвозасининг деворини ва унинг атрофидаги зовурни текширди. Ҳатто у ердаги деворда осонлик билан ўтиш мумкин бўлган тор жой борлигини аниқлади. Шундан кейин генерал Черняев шаҳарга Камолон дарвозаси тарафига чиқиш учун нарвонлар ясашга киришилди, нарвонлардан фойдаланиш бўйича машқлар ўтказилди. Черняев ҳарбий кучларни Қўқон дарвозаси томонида у ёқдан-бу ёққа кўчириб ва шаҳарни тўплардан ўққа тутиб, ватан ҳимоячиларини чалғитиб турди. Сўнгра полковник Краевский бошчилигидаги ҳарбий қисмни (3 рота ва 4 тўп билан) Қўқон дарвозаси томонида қолдирди ва шаҳарни тўплардан ўққа тутиб туришни буюрди. Айни бир вақтда — 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси полковник Абрамов, подполковник Жемчужниковлар қўмондонлигидаги 7 рота ва 8 замбаракдан ташкил топган аскарлар аста-секин боғлар орасидан Камолон дарвозаси томонига юрди. Овоз чиқармаслик учун замбаракларнинг гилдиракларига шолчалар ўралди. Бу дамларда Қўқон дарвозаси тарафидан Краевский ватан ҳимоячилари диққатини чалғитиб турди. Бу ҳийла ўз натижасини берди.

15 июн эрта тонгда рус аскарлари тўсатдан Камолон дарвозаси деворидан ичкарига бостириб киришлари биланоқ фафлатда қолган соқчилар қочиб қолдилар. Қиёт маҳаллалик

Қорабадал ва Жонтой деган кимсалар биринчи бўлиб қочганлар. Саросимага тушган тўп бошлиғи ҳиндубачча, қоратегинлик мерганлар ва бошқалар ҳам қочганлар. Шу онда пайдо бўлган руслар даставвал деворнинг бир киши ўтадиган тор жойидан кириб олишган. Сўнгра Камолон дарвозаси ва деворининг устига чиқишиб, у ердаги тўпни ерга улоқтириб ташлаганлар ҳамда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва унинг атрофидаги кишиларга қарата милтиқлардан ўқ отганлар. Шу пайтда Мулла Исмаилла деган бир киши қўлтиғидан тўрт бўлак тошни чиқариб: «Биз ҳам чимкентликларга ўхшаб гуноҳкор бўлиб, ҳаром ўлайликми? Яхшиси, бу заминда ғозий ёки шаҳид сифатида ўлганимиз афзал», — деб бақирган. Бу оддий халқнинг ўз Ватанига содиқлигини ифодаловчи далиллардан биридир, албатта.

Камолон дарвозасидан рус аскарлари кириши биланоқ Абрамов 250 аскар билан девор ёнидан ўнг томонга кетган кўча бўйлаб боради. Йўлда унга қарши 200 сарбоз 4 замбарак билан ҳужум қилади. Аммо душман ғолиб келиб замбараклар жарга ташланади. Бундан кейин ҳам Абрамов аскарлари уч жойда ватан ҳимоячиларининг қаршилигини бартараф қилиб, бир неча тўпни ўз жойларидан ағдариб ташлайдилар. Афтидан, Черняев шаҳарни ички тарафидан заифлаштиришни ва саросимага солишни мўлжаллаган. Абрамов ўз аскарлари билан тўғри Қорасарой дарвозасига қараб юрган. У бу ердан бозор (Эски Жува) томонга йўлни давом этириб, дуч келган барикадалардаги ватан ҳимоячиларини тор-мор келтирган. Абрамов бозорга яқинлашганда унга кирадиган икки кўчадаги сарбозлар ногора чалиб ва «Ё, Оллоҳ», дейишиб уларга ҳужум қилганлар. Душман устун келиб, кўп одамларни ўлдириб, Қўқон дарвозаси томон йўл олган. Бу воқеалар рўй бераётганда Черняев бутун шаҳарни ўққа тутиб туради. У Абрамов орқасидан майор Делакрани 2 рота ва бир тўп, подполковник Жемчужниковни 2 рота аскар ва 2 замбарак билан жўнатган. Мазкур ҳарбий қисмлар ўз йўлида аравалардан, ходалардан ва бошқа нарсалардан ташкил этилган баррикадалардаги ватан ҳимоячилари билан жанг қиладилар. Улар тарқоқ ҳолдаги шаҳар ҳимоячиларига бирин-кетин зарба бериб, кўчаларни тўсиқлардан тозалайдилар. Шаҳар ичида юз бераётган жанглар

вақтида Қўқон дарвозаси томонида ҳам уруш кетаётган эди. Бу ерда девор ташқарисида полковник Краевскийнинг 3 рота ва 4 замбаракдан иборат аскарларига қарши 5 минг кишилик ватан ҳимоячилари ҳужум қиладилар. Қаттиқ жанглардан кейин ватан ҳимоячилари шаҳар ичига чекинаётганда улардан анча одамлар ва отлар Анҳор сувига чўкиб ҳалок бўлди. Подполковник Абрамов, майор Делакра ва подполковник Жемчужников аскарлари шаҳардан келиб қалъани босиб олиб, Қўқон дарвозасини очадилар. Шундан кейин Краевскийнинг ҳарбий қисми шаҳар ичига киради. Гарчанд Қўқон дарвозасини Жемчужников ҳарбий қисми эгаллаган бўлса-да, ватан ҳимоячилари унга ўт қўйиб юборганлиги орқасида чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Кейинги жанглар Анҳор (Ўрда кўприги) атрофида давом этди. Рус аскарлари баланд товуш билан «ур-ра», деб тўрт томонга милтиқ отишиб, йўлларида учраган одамни олдидан ва орқадан отиб кетаверганлар. Мулла Муҳаммад Юсуф деган кишининг таклифи билан катта кўчанинг олд томонини аравалар билан тўсишга киришилади. Бу пайтда Муҳаммад Тошкандийнинг дўстлари — Абдулраззоқнинг оғзига, эшон Ҳожихоннинг томоғига душман ўқи тегиб ҳалок бўладилар У ғозийлар ва сарбозлар билан Анҳор кўпригининг ғарб томонини аравалар билан тўсиб баррикадалар бунёд этишга бошчилик қилади. Бу вақтда кўприкнинг ҳар икки томонида дўконлар бор эди. Бир вақт «ўруслар икки томондан қичқаришиб ва «ур-ра» дейишиб, бирданига милтиқлардан отавердилар. Юракли, дадил ғозийлар қўрқмасдан Домулла Фозил охунга қарашли дўконларнинг иккинчи томонига ва масжидга ўрнашиб, милтиқ отиш учун дўконларнинг деворларини тешиб, жангга тайёр турдилар. Ўруслар то тўпларини жойлаштиргунга қадар дўкон ичидан уларга қарши ўқлар отавердилар. Натижада ўруслар тўпларини отолмай йиқилавердилар. Пировардида, тўплардан шунчалик кўп ўқлар отилдики, дўконларнинг деворлари илма-тешик бўлиб кетди. Бир ярим соатлик жангдан кейин ўруслар ўзларини Ўрда дарвозаси тарафига тортдилар».

Шу пайтда дин пешволарининг вакиллари ғозийларни жангга отлантиришда жонбозлик қилдилар. Масалан, шайх Абу

Ҳалим Ўрда тўғонининг устига чиқиб қўлидаги таёғини ерга уриб ва Ўруслар томонига ўқталиб, «Кофирларни ўлдиришлар», деб қичқириб, Қўқон дарвозаси томонига югурган. Душманнинг унга милтиқ ўқталишига қарамай тикка туриб олган ва қаттиқ жароҳатланган. Шу ҳолда у киши «икки кўзларидан ёш оқизиб ва кулимсираб ҳамда такбир, саловат ўқиб, ғозийлар ва мужоҳидларга: «Мени кўйиб, душманларни ўлдиришлар», деган.

Ватан ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилиги туфайли душман Қўқон дарвозасини ташлаб чиқиб, шайх Шиблийн ариғидан ўтган. Сўнгра улар Султон Саъидхоннинг Давлатбой ўрикзоридаги чодирларидан асбоб-анжомлар олганлар. Бу чоғда ватан ҳимоячилари Қўқон дарвозасини ва унинг атрофидаги дўконлар ичидаги қолган нарсаларни олишган ва Шайхонтахурга келтирганлар. Шундай қилиб, душман Қўқон дарвозасидан суриб чиқарилди. Бу вақтда рус ҳарбий қисмлари шаҳарнинг икки жойида, хусусан Камолон дарвозасида ва Давлатбой ўрикзорида тўпланган эди.

Шаҳарнинг ички ва ташқи томонларида олиб борилган жанглар орқасида кўрилган катта талофатлар ҳамда ҳеч қаердан ёрдам келмаслиги, оғир иқтисодий аҳвол, сувсизлик ватан ҳимоячиларининг тинкасини қуриштириб борди. Айниқса, айрим сардорларнинг ўз аскарлари билан кетиб қолганликлари умидсизликни кучайтириб юборди. Хусусан, Солид Тўра ва Арслон Тўра Бухорога кетишга аҳд қилдилар, қўқонлик сардорлар ва сарбозлар эса ўз юртларига отландилар. Бу ҳам камдек, шаҳардаги бир гуруҳ «кўрқоқ, мунофиқ ва фитначи» нуфузли кишилар ҳам бола-чақалари билан шаҳар дарвозаларидан чиқиб кетдилар.

Рус аскарлари Қўқон дарвозасидан чиқиб катта кўча билан Имом Ҳасанхон ва Саъид Маҳмудхон ўғли Юсуфхон масжидлари ичига ўрнашди. Улар бу ердан тўплардан ҳар томонга ўқ отиб турдилар. Оқибатда маҳаллаларда ёнғин чиқиб, одамлар бошқа жойларга кетишга мажбур бўлди. Анҳор суви атрофидаги дўконларга ҳам душман томонидан ўт қўйилган эди. Бу ердаги ёнғин ўчирилгандан кейин олтига рус ва татар ўликлари топилган.

Маҳаллий ва рус манбаларида шаҳар мудофаасини бевосита ким бошқарганлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг сўзича, бу ишда кўпроқ мударрис Солиҳ додхоҳ катта ўрин тутган. Бу табаррук зот хонлик вақтларида ҳам Тошкентнинг сиёсий ҳаётида етакчилик қилган.

Солиҳ додхоҳ Чуқуркўприкда себзорлик қози эшон Маҳмудхўжа, Синчиқли маҳаллалик эшон Валининг ўғли Сиддиқ Маҳдум, Кўкча дарвозасидан Ражаб Муҳаммад аълам, Самарқанд дарвозасидан Қозоқбий авлоди ва Бадал Муҳаммад, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқа нуфузли кишилар қатнашувида кенгаш ўтказиб, муҳим чоралар амалга оширилди. Хусусан, кўчаларнинг оғзи аравалар, ходалар ва бошқа нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар қурилди ҳамда ватан ҳимоячилари масжидлар ичига ўрнашиб олган рус аскарларига қарши бирданига ҳужум қилдилар. Улардан кўп кишилар душман ўқидан ҳалок бўлди. Аммо ғалабага эришилиб, қурол-аслаҳалар ўлжа олинди. Шу онда Кўқон дарвозаси томондан, деворнинг пастқам жойидан рус аскарларининг келаётганлиги ҳақида хабар олинди. «Уларга қарши, — деб ёзганди Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — Тошкентда истиқомат қилувчи кўқонлик Абдурахим ясовулбоши дарҳол ўспирин йигитларни ҳамда шаҳарнинг юракли, дадил ғозийларини ва мужоҳидларини бир ерга тўплашни буюрди. Уларнинг орасида Мир Юсуф Мирсултон боғбон ўғли, Умархон Тўрахон ўғли, Нормуҳаммад ва Мулла Алишер Муҳаммад Ҳусайн мерган ўғиллари, Муллажон Мусо Муҳаммад Алибобо подачи ўғли, Мусо Муҳаммад понсодбоши Серкабой ўғли, Розикбой ва бошқа қиётликлар бор эди. Улар моҳир мерганлар сифатида ном чиқарган кишилар ҳисобланиб, Жарбошидаги ҳовлиларга ўрнашиб олиб, девор тешикларидан душманга ўқ отдилар». Натижада рус аскарлари деворнинг пастқам жойидан шаҳарга кира олмасдан тўплардан шу даражада ўқ ёғдирдиларки, ҳамма ёқни тутун ва чанг-тўзон босиб кетди. Улар бу ҳолдан фойдаланиб, аравалари ва туялари билан мудофаани ёриб ўтмоқчи бўлдилар, лекин мерганлар бунга йўл бермадилар. Ёмғир ёғишига қарамай ўша ердаги жанг икки кун давом этиб,

охири душман ўз мақсадига эриша олмай Камолон дарвозасига қараб кетиб, Хожа Аламбардор атрофида турган рус аскарларига бориб қўшилдилар.

Бир рус манбасида шаҳар ичидаги урушларнинг бири шундай изоҳланган: «Баррикадалар барча кўчаларда ва чорраҳаларда юза келди. Энг қаттиқ қаршилиқ Ўрдадан бозорга бориладиган кўчада кўрсатилди. Артиллерия бошлиғи Иванов бошчилигидаги 50 аскар ўша кўчада замбараклардан ўққа тутилди. У биринчи учраган баррикадага найза билан ҳужум қилиб тўпни қўлга киритди. Аммо Иванов баррикадани олиб ташланаётганда унга қарши иккинчи баррикададан тўплардан ва хонадонлардан ўқлар отилди. Шундан кейин баррикадани иккинчи маротаба ишғол этишга тўғри келди. Қўқон дарвозасидан ўша кўчага бир чақирим масофага келтирилган замбараклардан кечаси билан ўқлар отилди».

Шундан кейин ватан ҳимоячилари Камолон дарвозасида ва атроф-жойларда, Ўрдада жангларда ҳалок бўлиб, кўчаларда ётган шаҳарликлар жасадини кўмиш билан шуғулландилар. Раҳмат ариғи бўйидаги пастликда «икки наманганлик навкарнинг икки рус аскарига ёпишиб, тўрт ўлик гўёки икки ўлик бўлиб ётганлиги» яккама-якка жанг бўлганидан далолат беради. Султон Саъидхоннинг собиқ қароргоҳда ҳам ғозийларнинг жасадлари қалашиб ётарди.

Хуллас, рус аскарлари шаҳар ичига бостириб кирганларида Ўрдада ва унинг ташқи томонларида жуда кўп одамлар шаҳид бўлдилар, лекин уларнинг аниқ сони ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз.

Гарчанд шаҳарда ниҳоятда мушкул ва оғир вазият вужудга келиб, саросима ва ваҳимага тушиш кўзга ташланган бўлса-да, душманга қарши курашни давом эттириш тарафдорлари оз эмас эди. Ҳатто айрим юқори табақа вакиллари Ватан мустақиллиги учун ҳеч нарсадини аямагандилар. Масалан, яккабозорлик Қосимбой деган киши бир хуржун кумуш танга келтириб, халойиққа: «Кимки уруш ва ғазотни давом эттирса, бир ҳовучдан танга бераман», — деб ташвиқот юргизган. Одамлар бу тангаларни олиб Ўрдадаги рус аскарларига қарши жангга киришганлар.

Шу пайтда бирин-кетин бир гуруҳ рус аскарлари «Урушни тўхтатинглар, себзорликлар, бешоғочликлар ярашиш сулҳини туздилар», — дейишиб, ватан ҳимоячиларини тинчликка чақирганлар. Аммо Ўрда атрофидаги ғозийлар бу ҳийла-найранг бўлса керак, дейишиб, уларни ўққа тутганлар.

Бир вақт рус аскарларининг бир қисми Камолон дарвозаси томонидан келиб, Бешоғоч дарвозаси орқали шаҳарга кирганлиги ҳақида хабар олинади. Ўрдадаги ғозийлар дарҳол у томонга боришиб, душман билан жанг қлиб, кейин икки томон ҳам ўз жойларига қайтган. Шундан кейин ҳам қалъа деворининг пастқам жойларидан руслар себзорликлар билан бешоғочликлар урушни тўхтатганликлари ва сулҳ тузганлиги тўғрисида бақриб гапирганлар. Бу вақтда урушни давом эттириш тарафдорлари Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқалар бошчилигида жангга шайланиб турардилар. Аммо русларнинг сулҳ тузилганлиги ҳақидаги хабарини аниқлаш учун Қосимбойваччани Солиҳ додхоҳ ҳузурига жўнатадилар. Дарҳақиқат, шаҳарнинг юқори табақалари орасида тинчлик сулҳи тузиш ва бўйсуниб тарафдорлари кўпаймоқда эди. Аммо Солиҳ додхоҳ кенгаш чақриб, жангни бир томчи қон қолгунча давом эттиришга даъват қилди. У жамоа аҳли ҳузурда шундай деган: «Дин учун жонбозлик кўрсатиб курашаётганлар ҳаром билан пок ўлимнинг фарқини яхши англайдилар. Кофирлар қанчалик ҳийла-найранглар қилиб ярашиш хусусида ваъдалар бермасинлар, барибир, ғозийлар жанг қилишга тайёрдирлар. Буни халойиққа тушунтириш чинакам уламоларнинг бурчидир». Улар йиғиндан чиқишлари биланоқ душманга қарши ҳужум қилдилар. Натижада «бир қанча кишилар ҳалок бўлдилар ёки жароҳатландилар».

Гапнинг сирасини айтганда, Тошкент аҳли қўлидан келганича ва имкони борича мустақилликни сақлаш учун курашди. Рус аскарлари бостириб кирганда ҳам «Тошкент фуқароси икки кечаю кундуз кофирлар билан уришиб, уларни Масжиди баланд хонақосига қамадилар. Бир кеча-кундуз аҳли ислом уларни мухосара қилиб, хонақоҳ атрофини ёқмоқчи бўлдилар. Кофирлар бундан хабар топиб, Эски Ўрдага ўтдилар ва шу йўлда бир неча маҳаллаларни ёндириб юбордилар. Шаҳарга ғавғо тушди...»

Черняев эса ярашиш сулҳини тузиш ва урушни тўхтатиш йўллари тинимсиз излади. Чунки унинг ҳарбий кучи шу даражада катта талофатга учраб заифлашган эдики, агар четдан ҳарбий ёрдам келганда уларнинг тор-мор қилиниши аниқ эди. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг илғор ва билимдон кишилари ташқи ёрдамга кўз тиккан ҳолда урушни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаган эдилар. «Улар, — деб таъкидлайди Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — урушни ҳозиргидек давом эттирсак, шоёдим, Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятига тегишли атроф-жойлардан ёрдам келиб қолса», — дейишиб, умидларини узмадилар.

Шаҳарнинг уруш тарафдорлари Солиҳ додхоҳдан маслаҳат олиб иш юритишга қарор қилдилар. Бу табаррук зот йиғинда шундай деган: «Тошкентликлар очликка, сувсизликка, ташналикка ҳамда ҳалокатга ва талофатларга қарамай урушни давом эттириб, шаҳарни ўз қўлларида сақлаб турибдилар. Ҳозирда гозийлар, етим-есирлар, очлар ва ташналар номидан ёрдам сўраб Кировчи қалъасидан тортиб Қурама, Чиноз, Хўжанд, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Фарғона ерларига хатлар юбориш зарур». Бу таклиф дарҳол маъқулланиб, кўрсатилган жойларнинг ҳукмдорлари номига хат тайёрлаш мунший Мирза Юнусхон Мулла Бобожон ўғлига топширилди. Шу равишда 50 дан ортиқ хатлар тайёрланган эди. Уларда ёрдам сўрашдан бўлак нималар дейилгани номаълум. Аммо ўша йиғинда шундай бир оғир вазиятда кофирларга қарши курашишга ёрдам бермаслик айбдорлар шаънига қиёматгача таъна, нафрат ва лаънатлар айтилиши ҳамда тарихларга ёзилиб, авлодлар томонидан қаттиқ қораланиши ҳақида фикрлар баён этилган.

Кўп ўтмай ҳимоячиларнинг умиди пучга чиқарадиган воқеа юз берди. Руслар Ўрда ичидаги порох ва қурол-аслаҳа сақланадиган махфий омборни айрим хоинлар ёрдамида аниқлаб, 50 га яқин катта замбарак ўқи ва бошқа портловчи моддалар воситасида остин-устун қилиб ташлаганлар. Портлаш шу даражада даҳшатли ва ваҳимали бўлганки, «бамисоли қиёмат-қойим» юз берган. Шу тариқа, ватан ҳимоячилари яроғ-аслаҳадан ҳам маҳрум бўлдилар. Бунинг устига Камолон

дарвозасидан бостириб кирган душман кучлари тўпларини Шайхонтохур, Бешоғоч ва бошқа даҳаларга қўйиб, таслим бўлинмаса, шаҳарни остин-устин қилиб ташлашларини маълум қилган.

Хуллас, четдан ёрдам келмаслиги, яроғ-аслаҳа омборининг портлатилиши, очлик, сувсизлик, бош сардорсизлик ҳамда кўрилган катта талофатлар ва бир гуруҳ кишиларнинг хоинлиги — ҳаммаси бир бўлиб, пировардида, душманнинг ғалаба қилишига олиб келди. Аммо кўрсатилган сабабларга қарамай, шаҳар аҳли ўз она юртининг мустақиллигини сақлаш учун нимаики зарур бўлса, шуни бажонидил бажарди. Жангларда шаҳар қонга беланди, ўт ичида ёнди.

Рус аскарлари 16 байроқ, 48 мис ва 16 чўян замбараклар ва бошқа яроғ-аслаҳаларни ўлжа олдилар. Улардан жангларда 25 киши ўлдирилди, 118 киши жароҳатланди. Шубҳасиз, бу ерда ҳалок бўлганлар сони камайтирилиб кўрсатилган. Шу тариқа қаттиқ жанг ва қурбонлардан сўнг Тошкент генерал Черняев томонидан забт этилган эди.

АЛИМҚУЛ АМИРЛАШКАРНИНГ ЖАСОРАТИ ВА ТАҚДИРИ

Тошкентдаги жанглارнинг бош қўмондони Алимқул ҳисобланади у халқ ва қўшинни душманга қарши курашга руҳлантирган эди.¹ Буларнинг орасида Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғли ҳам бўлиб юқорида кўрсатилганидек, мардонавор курашган эди. Шу боис, Алимқули ҳақидаги маълумотларни келтириш ўринлидир.

Алимқули амирлашкарнинг тўлиқ исми Алимқули ибн Ҳасанбий (1831/32-1865) бўлиб, йигитлик пайтида Маллахонга (1858-1862) навкар бўлиб ёлланган. Алимқули амирлашкар тadbиркорлиги ва уддабуронлиги туфайли Чимён ҳокимлигидан хонликнинг энг олий мансаби, амирлашкарлик даражасигача етган. Султон Саъидхон хонлиги даврида (1863-1865) эса амалда ҳокимиятни ўз қўлига олган.

Алимқули амирлашкар тўғрисида маълумот берувчи манбалардан бири Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асаридир. Асар муаллифи Алимқули 1865 йил май ойида Тошкентга мудофаа мақсадида жўнатилган Қўқон қўшинларига қўмондон қилиб юборилган пайтдан бошлаб вафот этгунча юз берган воқеалардан хабардор бўлиб турган. Алимқули амирлашкарнинг дафн маросимида қатнашган Муҳаммад Солиҳ бу борада бошқа муаллифларга қараганда анча кенг маълумот беради.

«...Шу куни камина ҳам ғозийлар истиқболига чиққан Тошканд аҳолиси сафида жиҳод салоҳи ва камарини белга боғлаб, навнихол ғозий шаҳзода (Султон Саъидхон) ва Алимқули амирлашкар узангисини ўпишга бордим. Вилоят фузалолари ва уламолари Афросиёб² тепалигида подшоҳлар

¹Форсийдан Ў.А. Султонов таржимаси

²Афросиёб тепалиги — шаҳарнинг жануби-шарқидаги тепаликлардан бири.

чорбоғи бўлган Мингўриikka¹ ўрин тайёрлаб меҳмондорчилик дастурхонини ёйдилар ва бу дастурхондан мен ҳам баҳраманд бўлдим. Шу аснода Алимқули ғозий йиғилганларга қарата нутқ сўзлаб, жиҳод фарзлари ва жидди жаҳдини баён қилди. Алимқули Тошканд оқсоқоллари ва арбоблари, ақобирлари ва аъёнларига фармон бериб, бу вилоятдан бўлган ҳар киши хоҳ туя ва хоҳ отда, ароба ё пиёда бўлсин, дин хотирида бўлиб юкларни, подшоҳлик тўнхонаси ва занбуракларини, султонлик чодирини ва сарпардасини Фарак суви Чирчиқнинг у томонига ўтказишга буйруқ берди. Жумъа намози адосидан сўнг фармойиш бўлиб суворий ва пиёдалар Фарак Сувидан ўтиб, қарийб аср намози вақтида Мингўриikka, шаҳзода боргоҳига етдилар ва аср намозини Султон Саъидхон хоқон ибн хоқон Саид Маллахон шаҳид ва Алимқули амирлашкар ғозий ҳамроҳлигида адо қилдилар.

Шу орада Шўртепа юқорисида, Русия аскарлари томонида бир ҳавойи мушак осмонга отилди. Бу воқеадан сўнг, Алимқули амирлашкар ўрнидан сакраб туриб, баланд овозда бу Русия аскарларининг ўзлариникига воқеадан огоҳлантириш бераётганини ва эртага жанг бўлиши мумкинлигини айтди. Сўнгра ғазот талабида бўлган фуқароларга ва ғозийлар хизматида юрганларга ўз уйларига (шаҳар ичига) кетишга ижозат берди.

...Шу куни барчалари Афросиёб тепалигига, навниҳол шаҳзода ва Алимқули амирлашкар боргоҳига бориб, ўзларига муносиб мақом ва мувофиқ амаллари билан тиз чўкиб хисравона мажлисда ўтирдилар. Давлат ақобирлари ва шавкатли сарханглар орасида Авлайқулихон Дашти Қипчоқий авлодидан Сиддиқ тўра Кенисари ўғли муқаддамат ул-жайш (бош кўмондон) ва сипоҳсалор мансабига тайинланиб, хоқоний хазинадан совға-саломлар тортиқ қилинди. Унинг укаси Арслон тўра эса дуғлот, арғин ва Дашти Қипчоқнинг бошқа қабилалари сардори этиб тайинланиб, у ҳам хисравона лутфдан сарафроз бўлди. Сўнг Сиддиқ тўра бошчилигидаги навкарлар дастаси Шўртепа мавзеси томонга, Русия аскарларидан хабар олиб келиш учун юборилди.

¹Мингўрик — шаҳарнинг шарқий томонида, Чирчиқ дарёси ва шаҳар кўрғони оралигидаги мавзе. Кўқон хонлари Чирчиқдан ўтганда одатда шу ерда тўхтаб дам олганлар. Бу ердан Катта Кўқон йўли ўтган.

...Ногоҳ Шўртепа томондан Сиддиқ тўра навкарлари келиб, Русия қўшинидан икки фирқа Шўртепа юқорисидан Олтинтепа тарафга келаётгани хабарини етказди. Улар (руслар) Олтинтепадан ўтиб, қарийб Назарбек қўрбоши қўрғонига яқинлашди. Уларнинг ўртасида бир занбурак бўлган бир фирқаси суворийлар, бир фирқаси пиёдалар бўлган бу икки фирқа Салор ариғи бўйида тўхтади.

...Алимқули тамом тезликда Афросиёб тепалигидан Хўқанд дарвозасига бориб, аввало Жомадор тўпчибоши навкарларини оташхона ва занбураклари билан гуруҳ-гуруҳ қилиб бир сафга тортди. Уларнинг сафлари шу қадар тўғри эдики, кўрганлар бир одамнинг суврати дер эди. Ва бу сафлар ўртасига 36 та занбурак қўйдилар. Учқур отли дин мужоҳидлари эса Тархон — сайёд ариғи лабига, тархонлар ерига етдилар. У томондан Русия аскарлари Салор ариғидан ўтиб рўпарама-рўпара бўлдилар. Камина ҳам ўз дўстлари билан ўша ерда эдим. Шу пайт Русия тарафдан занбурак ўт очиб пиёда аскарлар ёнига тушди. Шундан сўнг Алимқули амирлашкар ҳам Жомадор тўпхонабоши ва Ҳиндубачча юзбошига, ўқ отувчилар ва сарбозларга занбураклардан ўт очишга буйруқ берди.

...Душман томонга тўфанг ва занбураклардан отилган тинимсиз ўт очишлардан сўнг (мусулмонлар) уч томондан кенгайиб, суворийлар ва ўқчилар томон тез суръат билан Назарбек қўрбоши қўрғончасидан ўтиб, у ердан Олимчек йўли ва Олтинтепадан ўтиб Шўртепа тарафга, тепадан пастликка қараб тўхтадилар. Русия аскарлари эса чекинишга мажбур бўлди. Алимқули амирлашкар жангда жонбозлик кўрсатган Жомадор тўпхонабоши, Ҳиндубачча юзбоши, Хайрмуҳаммад афгон элликбоши, понсадғозилик Мирбобо понсадбоши ва уларнинг сарбозларини жасорати учун муносиб тақдирлади. Ярадорлар ва мурдаларни шаҳарга юборди.

...Шом намози адосидан сўнг бу даргоҳда ҳозир бўлгувчилар, бир томонда Тошканд, иккинчи томонда Кўқон ақобирлари жой олсин ва эртанги муҳораба тўғрисида қандай маслаҳат кўрадилар айтсинлар, дейилди. Тошканд қабилалари сардорлари дедиларки, бугунги жанг ғалаба овозаси ҳар тарафга тарқалди. Жасур жангчилар ва тошкандликлар Сиддиқ тўра ва

Арслон тўра ҳамроҳлигида Дашти Қипчоққа юборилса. Аввало Чимкент диёрига бориб ул шаҳар эшиклари калитини қўлга киритсалар. Сўнгра икки фирқага бўлиниб, ҳар фирқага Дашти Қипчоқ қабилалари сардорларини ўзларига сарҳанг қилиб, бирини Туркистон қалъаси навоҳисидан Оқмасжид қалъасигача, бирини Авлиёота қалъаси, Тўқмоқ, Ошрафа, Олматудан то Фулжагача ҳарб ва жиҳод ила юборсак. Шу пайт Отабек шарбатдор Алимқули қулоғига бу шерзодалар Кенисарихон ва Авлайқулихон Чингизхоний авлодларидан бўлиб, ўзларининг Дашти қипчоқларидан кимнидир (тахтга) ўтказмоқчилар, деб шипшитди. Бироқ, Алимқули мусулмонлар Фарғона ва Туркистон замин бирлигини ёқлаб, биринчи галда душманни енгиш зарурлигини таъкидлади. Сўнгра Тошканднинг газотталаб аҳолисига шаҳар ичига қайтишга рухсат берилиб, навниҳол шаҳзода ғозий ва Алимқули ғозий Салор ариғи бўйидаги қароргоҳида дам олишга қарор берилди.

...Хабар етдики, Ҳиндубачча юзбоши тўпхонаси юқорисидан Абдуллабек либосбардор қирғиз Олимбек қирғиз ўғли (дастаси) учқур отлари билан Жомадор Ҳиндустоний жанг қилаётган ерга етиб борди. (Барибир) аҳвол танг эди. Алимқули тартиб билан (шаҳарга) чекинишни тайинлади. Улар Абдуллабек либосбардор ҳамроҳлигида ва Ҳайрмуҳаммад афғон ва Жомадор Ҳиндустоний ёнига етган эдиларки, Абдуллабек либосбардор отининг кўзи тўфанг ўқидан жароҳат олди. Абдуллабек дарҳол ўқ отган ўша насронийни шамшири билан ҳалок қилди. Алимқули эса бошқасини. Сўнг Абдуллабек бошқа тулпорни миниб Алимқули билан бирга Ҳайрмуҳаммад афғон тўпхонаси томон йўл олди. Шундан сўнг Ҳайрмуҳаммад афғон тўпхонасига келгач, Тошканд аҳлига секин-аста шаҳар ичига қайтишга, сарбоз ва мужоҳидларга эса жанг майдонида қолиб жангни давом эттиришни буюрди. Сўнг Жомадор Ҳиндустоний ва Ҳиндубачча юзбоши биргаликда барча занбурак ва тўпхона, кўрхона ва кўрғошин, дору ва асбобларни Алимқули олдига жамъ қилдилар. Занбурак ва тўфангдозлик қилиб уч жойдан насронийлар томонга олти занбуракдан олти бор ўт очдилар. Насронийлар ҳам олти занбуракдан олти бор ўт очди. Жанг шундай давом этиб Салор ариғигача етиб келдилар. Биз ҳам

Тархон — сайёд еридан ўтиб шу ердаги чорбоғимиз томон равона бўлди. Алимқули ғозийлар билан катта кўчада жанг билан машғул бўлиб, бир оз туриб қолди.

...Бир пайт от ортида Абдуллабек табиб валади Абдуллабек Қобқозий Алимқулини елкасида кўтариб келарди. Шу пайт Алимқулининг ўғли Қирилмос дарвоси тарафдан «Ё отам» деб қичқириб келди. Алимқули ишорати билан ўғли кулоғини унинг оғзига қўйди ва нимадир деди. Шундан сўнг Алимқули видолашиб, ўғлининг кетишига рухсат берди. Сўнгра секин-аста Хўқанд дарвозасидан ўтиб, Шайх Шибли ариғининг чап томонидаги майдоннинг ўнг чеккасида тўхтадилар. Асадуллабек қўлидан бир пиёда шарбат ичиб эдики, қалъа ичидан, Алимқули келган Ниёзбек йўлидан икки занбураги бўлган насронийлар йўлиқдилар.

...Шу аснода Асадуллабек валади Абдуллабек ва Абдуллабек либосбардор Алимқули амирлашкар ғозийни жанг майдонидан Тошканд ўрдасига олиб бордилар. ...Ўрда томондан, Абдуллабек валади Алимқули амирлашкар подшоҳлик меҳмонхонасига ўз мулозимларини қўйиб, масжид жиловхонасига келиб салом бергач, «Эй, саодатпаноҳ, Алимқули бу дорул-ғурурдан дорул-сурурга, завқу ҳузур боғига риҳлат қилди. Мен сизнинг амакзодангиз Юсуф Алихўжа валади Нўмонхўжа читфуруш ҳовлисига бориб ўз одамларим ва мулозимларимдан бир нечасини олиб шом намозини ўқигач, Алимқули майитини Ҳазрат Шайх Ховандаҳур, қабри нурга тўлсин, мозорига олиб бориб кафанлаб жанозасини ўқиб дафн қилсак», — деди. Иккиланмасдан, бундан яхшироқ яна қандай йўл бўлиши мумкин, деб жавоб бердим ва камина ҳам шом намозидан сўнг Катта кўчага бориб кутиб туришимни айтдим. Шом намозидан сўнг амакзодам кўчасига бориб билдимки, бир неча киши Қиёт маҳалласига юборилибди. Бир оздан сўнг Абдуллабек мурдага сароча ташлаб, Мулла Салом валади Додабой оғалиқ ва яна Қиёт маҳалласидан тўрт киши тобутнинг тўрт томонидан кўтариб келарди. Камина ҳам тобутнинг бир томонидан кўтариб йиғлашга тушдим. Бошқалар ҳам йиғи билан Шайхонтаҳур даҳаси ташқарисига чиқдик. Тобутни Лангар ҳовузининг шимол тарафига, қайрағоч дарахти остига қўйдик.

Ўша қайроғоч ҳозир ҳам бор бўлиб, қабрнинг жануб томонидадир. Аввало Қорабошхўжа мутаваллига хабар берилди. Сўнг Эшонқули додхоҳ мадрасаси аҳли, ғассол ва Мир Шафоат гўрков ҳозир бўлди. Такфин ва тажҳиз амалини Муҳаммад Раззоқхўжа Искандархўжа ўғли бажарди. Қорабошхўжа мутавалли исқот амалини бажариб, даврани ҳозир қилди ва фонус ва шам келтириб атрофни ёритди. Бу орада Эшонқули додхоҳ мадрасидан Али Акбархўжа эшон домолла, Абдурасулхўжа Абдуллоҳлиқ Марғилоний ўғли, Саид Аҳмадхўжа муфти, Исмоилхўжа имом, Мулла Муҳаммад Исо охунд, Жаъфархўжа Бузургхўжа қози ўғли, Нурхўжа Қорабошхўжа мутаваллий ўғли ва бошқа талабалар ҳам ҳозир бўлдилар.

...Қорабошхўжа мутаваллий тинмай «Эй, мўминлар, Амирлашкар дин ва Тошканд фуқаролари тинчлиги учун шаҳид бўлди», — дер эди. Абдуллабекдан марҳумнинг ибтидосидан интиҳосигача бўлган ҳаётидан сўрадим. Ғассол мурданинг кийимларини, жомасини, куртасини ва ўша давр одамлари жиға деб атовчи қизил-оқ рангли шимини ечди. Кўрдимки, ўқ Амирлашкарнинг орқасининг чап томони белининг пастки қисмидан тегиб, ўнг томони юқорисидан ўтиб кетибди. Мурда ювилгач мушк анбар суртилиб қафанланди ва тобут ўша ҳовуз бўйига қўйилди. Али Акбархўжа домолла имомликка ўтди, биз иқтидо қилиб жаноза намозини ўқидик. Сўнгра тўрт киши тобутни тўрт томондан кўтариб гўрхона томон равона бўлдик. Шодмонхўжа (мурда учун тайёрланган) сағанани очиб, Мир Шафоат гўрков чироғ тутиб ёритиб турарди. Дарҳол тобутни шимол томонидан ерга қўйдик. Гўрков(мурданинг) оёғидан тутиб кўгарди. Қорабошхўжа мутаваллий ва Абдуллабек белидан, камина эса бошидан оҳиста кўтардик. Сўнг гўрков мурдани сағанага олиб кириб лаҳадга қўйиб йиғлаб юборди. Сўнг лаҳаддан чиқиб сағана оғзига гишт тера бошлади. Мен гишт олиб бериб етардим. Каломи раббоний тиловат қилинганча, гўристондан чиқиб ҳовуз бўйига, жанозагоҳга бордик. Али Акбархўжа домолла яна бир бор тиловат қилди. Абдуллабек 36 нафар жанозахон ва дафн маросими сарфини хат қилиб олди ва пайшанба куни яна келиб, маърака ва худойи маросимлари сарфини ўтказишини айтди.

Ҳижрий 1281 йил зулҳижжа ойининг 25-куни – якшанбадан душанбага ўтар кечада (милодий 1865 йил 21 май, якшанба) замон баҳодирлари ва давр жангчиси, аср сипоҳсалори ва сарҳанги бўлган Алимқули амирлашкарни қабрга қўйдик. Хуллас, пайшанба куни чошгоҳ пайтида Абдуллабек навнихол ғозий шаҳзода олдидан 500 танга Шайхонтаҳур майдонида бўладиган маърака учун олиб келди ва Қорабошхўжа мугаваллий ҳовлиси ёнига қўйлар ва ошга керакли нарсаларни ҳамда катта қозонлар ва нонларни ҳозир қилди. Бу ошда Каломи раббоний ҳофизлари, мадраса уламолари ва бошқа жанозахонлар ва фақир ушбу ожизлар ҳозир бўлди. Ошдан сўнг жанозахон имомга бир Хўқанд тилласи, бир жомавор суф, қолган жанозахонларга ўн бир Хўқанд тилласи ва бир газ суф бериб савобини Амирлашкар ва бошқа ғозийлар руҳига бахшида қилди. Шундан сўнг ўша Лангар ҳовузи бўйига янги сағана ҳозирлаб (Амирлашкар тобутини) ўша ерга қўйиб зийнатлаб суваб қўйдилар».

Шундай қилиб кўрдикки, Ёқубжонхожи бойнинг отаси Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўғли ҳалок бўлган жанг ниҳоятда шиддатли ўтиб, кўп одамларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишига олиб келган. Шаҳар вайронага айлантирилган.

Тошмуҳаммад ака сингари Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун жонини тиккан минглаб кимсаларнинг хотираси абадул – абад яшайверади.

МАҲКАМБОЙНИНГ НЕВАРАСИ БАХТИЁРЖОННИНГ БОБОСИ ШАЪНИГА ЁЗГАН ШЕЪРИ

Бобожон!

Уй тўри ҳамон сизники,
Унда сиймоингиз кулиб туради.
Ўша-ўша қутлуғ меҳр бизники,
Нигоҳингиз бизни ҳар кун кўради,
Кетдингиз... Одамлар кўча тўлдириб
Сизни елкасида олиб кетдилар,
Энди ёш улғайиб, ёлғиз ўтириб,
Сиз кетган йўлларга хаёл интилар.

Йиллар қайроғидан сийқа пешонам
Қайроқ тош сингари серчизиқ энди.
Йўлим ўрталикда — уйим, ишхонам...
Энди сочимгача оппоқ қор инди.

Даврим афсонани ҳақиқат қилди,
Кўчам равон энди, турмушим тўкин.
Сиз тутган байроқни ойгача илди,
Космонавт дўстларим, дилда йўқ ўкинч!

Аммо қумсаб қолдим бугун ўзингиз,
Белда белбоғингиз... Сиз келтирган қурт...
«Болам», деб эркалаб айтган сўзингиз,
Ардоқлаб сиз тилдан қўймаган «бу юрт»!

Бу юрт! Ҳаммамизга азиз, ардоқли,
Болдан ҳам тотлироқ бунда ҳар нафас,
Ўтиб қолса йўлда бобом сиёқли —
Кексалар, йўлимдан тўхтатманг бир пас.

Ечилар кун сайин қалбимда тугун,
Ечилди яна бир, сизни ёд олдим.
Бобо, чеварангиз туғилди бугун —
Ўғлингиз Эминжон бободир букун.

(1980 йил)




Чапдан ўнг томонга: Маҳкамбой, хотинлари Раҳбархон қўлларида Бахтиёр Маҳкамов, Ваҳоб Маҳкамов тиззаларида Мўмин Маҳкамов, Раҳбархоннинг тоғалари Муҳит тоға, Маҳмудахон, Соатов Абдурозик, Нажмиддин Камолитдин, Маҳкамова Зумрадхон, Муҳитдинова Мукамбархон, Маҳкамова Хадичахон, Ёқубов Омилжон, Маҳкамов Эминжон, Маҳкамов Омилжон.
Сурат 1949 йил июл ойида олинган.



Маҳкамов Эминжон умр йўлдоши Муҳитдинова Мукамбар билан 1985 йил Ялта.



Маҳкамов Эминжон умр йўллоши Муҳитдинова Мукамбар билан.



Ёқубова Тојихон Ёқубжонхожи
қизи (1885-1951)




Тиляшайхова Иқбалхон Маҳмуд
қизи (1982-1976)



Ёқубов Маҳкамбой
Ёқубжонхожи ўғли (1884-1959)



Маҳмудова Раҳбархон Маҳмуд
қизи (1903-1949)




Ёқубова Лутфихон Маҳкамбой
қизи (1904-1985)



Ёқубова Санобархон Маҳкамбой
қизи (1921-2006)




Ёқубов Ғофуржон Маҳкамбой
ўғли (1910-1995)



Маҳкамов Носиржон
Маҳкамбой ўғли (1914-1972)




Маҳкамов Комилжон
Маҳкамбой ўғли (1921-1974)



Маҳкамов Эминжон Маҳкамбой
ўғли (1924 йилда туғилган)





Маҳкамова
Зумрадхон
Маҳкамбой қизи
(1929-2006)




Ёқубов Омилжон Махкамбой
ўғли (1937-1993)



Махкамов Вахобжон Махкамбой
ўғли (1941-йилда туғилган)





МУНДАРИЖА

Ота-бола Ёқубжонхожи ва Маҳкамбойларнинг ҳаёт йўли	3
Ёқубжонхожининг отаси Тошмуҳаммад Ниёзмуҳаммад ўгли қатнашган Тошкент жангининг тафсилоти	16
Алимқули Амирлашкарнинг жанглардаги жасорати ва тақдири	44
Маҳкамбойнинг невараси Бахтиёрнинг унинг шаънига ёзган шеъри	51

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
тарих фанлари доктори профессор Ҳамид Зиёев,
Бахтиёр Маҳкамов**


ЁҚУБЖОНҲОЖИ ВА МАҲКАМБОЙЛАРНИНГ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ТАҚДИРИ


Мухаррир: *Ю. Парпиева*


Нашриёт рақами: М-813. Босишга рухсат этилди 26.12.2007 й.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ офсет босма. Офсет қоғоз. Шартли
босма табағи 4,0. Буюртма рақами... . Тиражи 1000 нусха.
Келишилган нархда.

Ўз РФА “Фан” нашриёти, 100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«SM PRINT» босмаҳонасида босилди.
Тошкент ш., Пушкин, 59-уй









“Родоманор” маҳалласининг Тошкент шаҳри тарққибидаги жойлашуви. Ёрбўсоқли хожаси Ниязқўҳмаиди Утали маҳалласига қурилган иншоотлар
 А — Эски Тошкент
 Б — Шаҳарнинг янги қисми (1865 йилдан)

- — маҳаллар
- шаҳар кўчалари қайта ривожланиши-ризацияда бўзилган маҳаллар
- дарё ва ариқчаларга қурилган кўприклар
- — қаровонсаройлар (кейинчалик бўзилди келган)





*Боши берк Пскент кўчасида
Ҳамид Зиёев ота-боболари,
Ёқубжонхожи ва
Маҳкамбой яшаганлар*



ISBN 978-9943-09-447-5



9 789943 094475